Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 24-iyul, chorshanba ✱ № 31 (835) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Буюк мақсадлар билан яшаш саодати

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон арзон хомашё базасига айлантирилган, бу саховатли заминда етиштирилган турфа маҳсулотларни экспорт қилишдан келадиган асосий даромад собиқ Марказ бюджетига йўналтирилар эди. Иқтисодий ривожланиш даражасини билдирадиган ялпи ички маҳсулот ва аҳоли жон бошига истеъмол қилиш каби кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон 1989 йилда собиқ иттифоқда энг охирги ўринлардан бирида турган. Ўзбекистоннинг миллий даромади эса 1991 йилда иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткичдан икки баробар, Болтиқбўйи республикаларига нисбатан уч марта паст бўлган.

Шу мисолларнинг ўзидан кўриниб турибдики, халқимиз ночор ҳаётга, оч-юпун яшашга ва барча зарур нарсаларни кимларгадир ялиниб, узоқлардан ташиб келтиришга маҳкум этилган эди. 1990 йилда Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, умуман, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини собиқ иттифоқ аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди. Чунончи, ўша йили ғалланинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг қарийб 60 фоизи, картошканинг 50 фоизи, шакар, қуруқ сут ва болалар озуқаси 100 фоиз четдан келтирилган.

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси аниқ-равшан белгилаб олинди. Соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли 2010 йилга келиб юртимизда жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 22,6 фоизга ортди, сут ва сут маҳсулотлари 30,3 фоиз, сабзавот 2,2 баробар, картошка 1,5 баробар, мева 3,6 баробар ўсди.

Албатта, инсониятга зироатчилик илмидан сабоқ берган, бир парча ернида Яратганнинг иноятн сифатида эъзозлаб, тупроқдан зар ундиришни уддалайдиган қадим ва омилкор халқнинг хирмони бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Фақат, бунинг учун давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, етарли имконият ва шароит яратилса, деҳқон ўз меҳнатидан қадр топса, шу юрт, шу замин меники, унинг келажагига мен ҳам масъулман деган олижаноб туйғу билан яшаса, кифоя.

Замонга қараб талаб ҳам ўзгариб боради. Оқил ва тадбиркор раҳбар ана шу талабларни олдиндан кўради ва ўз вақтида зарур чоралар тайёрлайди.

«Фақат хомашё чиқарган ва хомашё сотган элнинг косаси оқармайди. Биринчи навбатда, тараққиётнинг энг керакли манбаи бўлмиш мўл-кўл хомашёмизни ва минтақамизда мавжуд ишчи кучларини ўз тупроғимизда, ўз эл-юртимизда тайёр маҳсулот чиқаришга жалб этиш лозим".

Давлатимиз раҳбари томонидан 1991 йилнинг декабрь ойида айтилган ушбу сўзларнинг рўёби сифатида бугун мамлакатимизнинг чекка-чекка ҳудудларида ҳам саноат корхоналари, кичик ишлаб чиқариш қувватлари жадал ривожланмоқда. Масалан, 1990 йилда юртимизда етиштирилган пахтанинг бор-йўғи 5 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, бугунги кунда жами етиштирилган ҳосилнинг учдан бири шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда.

2 ▶▶

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

ЕНГИЛ САНОАТ: экспорт истиқболлари

— Шу кўйлакни уч йилдан буён кияман, ювса киришмайди, ранги ҳам униққани йўқ, асл мол экан деди, — дўстим эгнидаги кўйлагига ишора қилиб. Ўзимизда ҳам шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлади-я, қойил.

Кунлар исиб, енгил кийим-кечак танлаш баҳонасида бошлаган суҳбатимиз кўнгилларимизни ифтихорга тўлдирди. Дўстимизнинг кўйлаги ёқасида "Made in Uzbekistan" ёзувини кўргач, бу туйғуни яна-да чуқурроқ ҳис этдик.

Чиндан ҳам сўнгги йилларда юртимиздаги енгил саноат корхоналари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Қувонарлиси, улар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўзларининг доимий мижозларини топаяпти. Масалан, 2010 йилда енгил саноат корхоналарининг маҳсулот экспорти ҳажми 619 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2011 йилда 660 миллион доллардан ошди. Ўтган йилда эса 705 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспортга чиқарилди.

Ҳаммамизга аён бир ҳақиқат бор. Бозорда харидор топиш, мижознинг ишончини қозониш осон иш эмас.

3 ▶▶

Интилиб, курашиб, ёниб яшаётган ёшлар

⇨ 2-3-бетлар

Олтиннинг пайдо бўлиш сири аниқланди

⇨ 5-бет

Томошабин хоҳлаганини кўради

⇨ 7-бет

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ қувончли ташвишлари

Ишбилармон аёллар портретига чизгилар

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси қошида ташкил этилган тадбиркорликка оид қонунчиликни таҳлил ва мониторинг қилиш гуруҳи мамлакатимиздаги ишбилармон аёлларнинг орзу-ўйлари, қувончлари ҳамда ташвишлари билан янада яқинроқ танишиш мақсадида «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Тошкент вилоят бошқармасида ҳамда Жиззах вилоятида иш олиб бораётган ишбилармон аёллар билан мулоқотда бўлди. Суҳбат асносида уларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам она, ҳам уй бекаси, ҳам раҳбар сифатида барча юмушларни бемалол уддалашаётгани сирсиноатлари билан танишилди. Уларни меҳнат қилишга ундаётган омиллар, ўйлантираётган муаммолар ҳақида сўровнома ўтказилиб, 50 дан ортиқ респондентларнинг жавоблари олинди.

НИМА УЧУН АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИНИ ТАНЛАШАДИ?

Сўровнома жавобига кўра, аёлларнинг аксарияти (82 фоиз) ўзларини шу соҳада синаб кўриш мақсадида тадбиркорлик билан шуғулланаётганликларини баён этишган. Уларнинг мазкур юмуш билан шуғулланишларига сабаб бўлган иккинчи омил — қўшимча даромад топиш ҳисобланади. Зотан, оиладаги тўй-ҳашамларни ўтказишни ташкил этиш, уй-рўзғор юмушлари асосан уй бекалари зиммасида эканлигини инобатга олсак, қўшимча даромад аёллар учун қанчалик муҳимлигини англаш мушкул эмас.

БОШЛАНҒИЧ САРМОЯНИ КИМДАН ОЛАДИ?

Тадбиркор аёлнинг бошланғич сармояни ўз турмуш ўртоғи ва яқинларидан олиши унинг энг катта ютуғидир. (жами респондентларнинг 67 фоизи). Шунинг ўзиёқ уларнинг зўр тадбиркор эканликларини далиллаб турибди. Демак, аёлларнинг тадбиркорлик ташаббусларини турмуш ўртоқлари, яқинлари ҳам маънан, ҳам молиявий томондан қўллаб-қувватламоқда. Бу эса тадбиркорликда оилавий ва шахсий муносабатларнинг муҳим ўрин эгаллаганлигидан далолат беради.

Иккинчи бошланғич сармояни улар (33 фоиз) банкдан кредит сифатида олишган. Маълумотларга кўра, тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга 2009 йилда жами 204 201 миллиард сўм миқдорида кредит берилган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 491 735 миллиард сўмга ошган.

6 ▶▶

ОБУНА – 2013

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар! "HURRIYAT" газетаси маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. 2013 йил иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг. Обуна бўлинг!

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ



Эслатиб ўтамиз: "HURRIYAT" нинг почта индекси — 233

ИНТИЛИБ, КУРАШИБ,

ТОНГГИ ЁҒДУЛАР

Ҳар бир тонг инсониятга ўзгача умид ҳадя этиб отади. Офтоб гардишидан гўё нур эмас, Она замин фарзандларининг бугунги ва эртанги орзу-умидларига жило бериб турган зиё таралаётгандай. Ҳақиқатан ҳам, борлиқ уларга бахт, қувонч, яшаш завқини ана шундай туҳфа этмоқда. Ҳаётимиз фарзандларимиз камолини кўришдек буюк саодат ила тўкисдир.

Одатда, халқимиз фазилатлари ҳақида гап кетганида, болажонликка, фарзандпарварликка алоҳида урғу берамиз. Негаки, ҳар бир ўзбек ўғил-қизи ота-онасининг касб-коридан қатъи назар, юксак эътибор остида улғаяди. Бу ғамхўрлик, айниқса, давлатимиз миқёсида улкан ҳаракат даражасида бўй кўрсатаётганини дунё давлатлари эътироф этяпти. Юртимизда ўтказилаётган халқаро симпозиумлар, нуфузли анжуманлар меҳмонлари Ўзбекистонда ёшларни интеллектуал салоҳияти юксак, баркамол инсонлар этиб камол топтиришга сарфланаётган миллиардлаб маблағни мамлакатни тараққий эттиришга йўналтирилган энг самарали ва ишончли сармоя деб баҳолашяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ёшлар камолоти борасида юртимизда амалга оширилган кенг қамровли ишларни, таълим-тарбия жараёнини обдон таҳлил қилган киши ўғил-қизларимизнинг жаҳон миқёсидаги музаффар одимлари замирида ҳаётимизнинг улкан ҳақиқати шоҳиди бўлади.

ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Янги мингйилликка келиб, дунёдаги давлатларнинг куч-қудрати интеллектуал салоҳияти билан белгиланадиган бўлди. Юртбошимиз XXI асрни «Интеллектуал мулк ҳукмронлик қилувчи аср», деб атагани ҳам бежиз эмас. Зеро, пировардида мамлакатнинг интеллектуал мулкига айланадиган салоҳият таълим-тарбия воситасида шаклланади. Зеро, таълим сифатига ва ёш авлод тарбиясига юқори эътибор қаратган давлатлар тез ва илдам тараққий этиб боришига тарих кўп бора гувоҳ бўлган.

Юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг таянч устуни — бу, шубҳасиз, таълим-тарбия соҳасидир. Чунки замон талаблари асосида чуқур, пухта билим эгаллаган ёшларгина мамлакат келажагини белгилайди, унинг ривожига муносиб ҳисса қўша олади. Ушбу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим-тарбия соҳаси тубдан ислоҳ этила бошланди. 1997 йили «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш натижасида республикамизда узлуксиз таълим тизимининг ўзига хос шакли яратилди. Мазкур тизим мактабгача таълим, тўққиз йиллик умумий ўрта, уч йиллик ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, олий, олий таълимдан кейинги, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда мактабдан ташқари таълимни ўз ичига қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунда давлат ёшларнинг бепул умумий таълим олишини кафолатлаши белгилаб қўйилган. Мамлакатимиз ёшлари дастлаб ўн икки йил бепул умумий таълим олади. Яъни, Ўзбекистонда ҳар бир бола аввал тўққиз йил мактабда, кейин уч йил академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида давлат ҳисобидан ўқийди. Худди шу жиҳат бугунги кунда дунё жамоатчилиги томонидан Ўзбекистонда таълим соҳасида эришилган катта ютуқ, керак бўлса, ўрганиш ва ўрнак олишга муносиб тажриба сифатида эътироф этилмоқда. Буни 2010 йили бўлиб ўтган БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида, шунингдек, 2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида «Юксак билимли ва интеллектуал авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуида ўтказилган халқаро конференцияда нуфузли экспертлар томонидан берилган хулосаларда яққол кўриш мумкин.

Европа мамлакатларида, АҚШда ҳам коллеж ўқувчиларининг катта фоизи тўлов-контракт асосида ўқийди. Мамлакатимизда эса тўққиз йиллик таълимни тугатган қиз-йигитлар таълимнинг кейинги босқичи — лицей, коллежлар билан қамраб олинади. Ана шу ўқув муассасаларини битираётган ўқувчилар катта ҳаёт оқимига ташлаб қўйилаётгани йўқ. Уларни коллежда эгаллаган касб-ҳунарига кўра иш билан таъминлаш борасида давлат ғамхўрлик кўрсатмоқда. Жойларда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан битирувчилар учун мунтазам равишда меҳнат ярмаркалари ташкил этиляпти.

Шуниси аҳамиятлики, мамлакатимизда таълим учун сарфланаётган йиллик харажатлар миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ваҳоланки, дунёнинг, ҳатто энг илғор мамлакатларида бу кўрсаткич атиги 3-5 фоиздан ошмайди. Рақамларни таққослаш йўли билан ҳар йили давлатимиз ғазнасидан интеллектуал ёш авлодни тарбиялашга нечоғлик катта сармоя йўналтирилаётганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу билан бирга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш давомида давлат бюджетидан 1,4 триллион сўм миқдорда маблағ сарфланди. Натижада, республика бўйича жами 8501 та мактабда қурилиш-тиклаш ишлари олиб борилди. Умуман олганда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда 1559 та мактаб биноси янгидан қад ростлади, 8213 таси таъмирланди.

Яна бир муҳим жиҳат: юртимизда таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш натижасида янги бўғин — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими вужудга келди. Қисқа фурсатларда республикамизда янги типдаги таълим муассасалари қурилиб, ҳозирги кунда жами 141 та академик лицей ва 1396 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Уларда ёшларга бепул таълим берилади. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар камида 2-3 та касб-ҳунар эгаллашлари мумкин. Ушбу таълим муассасалари замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган ўқув-ишлаб чиқариш хоналари ва лабораторияларга, компьютер синфлари ва спорт залларига эга.

Сўнгги йилларда юртимиз олий таълим тизимига ҳам қатор янгиликлар киритилди. Ҳозир бу тизим бакалавриат ва магистратура босқичларидан иборат бўлиб, таълимни илм-фан ва ишлаб чиқариш билан боғловчи муҳим бўғин ҳисобланади.

Республикамизда 69 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда олтита хорижий олий ўқув юртининг филиаллари очилгани соҳа тизимига билдирилаётган юксак ишонч ифодаси десак, муболаға бўлмайди. Олий таълим тизимини янги босқичга кўтариш мақсадида 2011 йил 20 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарорга мувофиқ, 2016 йилга қадар олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш кўзда тутилган. Дастур доирасида бугунги кунда олий таълим муассасаларининг ўқув бинолари, спорт иншоотлари ва талабалар турар жойлари янгитдан қурилаяпти, реконструкция қилинаяпти, капитал таъмирланаяпти ва қайта жиҳозланаяпти. Шунингдек, олий таълимнинг илм-фан билан интеграциясини кучайтириш мақсадида яқин йилларда олий таълим муассасалари базасида ўн бешта замонавий илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилади. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг барчаси Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим ислоҳотларининг янги босқичини, шу билан бир қаторда, мамлакатимизда баркамол, маънан етук ҳамда юқори интеллектуал салоҳиятли ёш авлодни тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини ўзида тўлиқ ифода этади.

ИСТЕЪДОДГА МУНОСИБ РАҒБАТ

1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида белгилаб қўйилганидек, ушбу сиёсатнинг мақсади «ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўлатўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ва уларни кафолатлашдан иборат». Яъни, давлат ёшларнинг ижтимоийлашуви — жамият ҳаётида фаол иштирок этиши ва жамиятда ўз ўрнини топишидагина эмас, балки ўз иқтидорини рўёбга чиқаришлари учун зарур механизмларни ишга туширади.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда ёшлар ўртасида кўплаб кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказиб келинмоқда, шунингдек, бир қатор давлат стипендиялари ва мукофотлар таъсис этилган.

Жумладан, ҳар йили адабиёт, санъат, таълим-фан соҳаларида ўз иқтидорини намоён этаётган ижодкор қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланади. Ҳар икки йилда эса мумтоз ва замонавий қўшиқчилигимизда ўз истеъдодини намойиш этган ёш санъаткорларга «Ниҳол» мукофоти берилиши анъанага айланган. Шунингдек, юртимизда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган, юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғулари ҳамда меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган ёшлар учун «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони

Буюк мақсадлар билан яшаш саодати

(Бошланиши 1-betda.)

Қишлоқ меҳнаткашларига ер берилгани ўша пайтда халқимизга қанчалар улкан далда, бутун Ўзбекистон учун нақадар муҳим ижтимоий-иқтисодий, ҳатто сиёсий масалага айланганини бугун, орадан қарийб чорак аср ўтиб янада чуқурроқ англаш мумкин.

«Бугунги кунда қишлоқларимиздаги 240 минг оиланинг ери йўқ. 1,8 миллиондан кўпроқ ҳовли эса уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга жуда муҳтож бўлиб турибди», — деб қайд этади Ислом Каримов 1989 йил август ойида.

Агар бир оилани ўртача тўрт кишидан иборат (қишлоқда бундан ҳам кўп бўлиши шубҳасиз) деб ҳисобласак, бир миллион жон ёки ўша пайтдаги республика аҳолисининг ҳар йигирмадан биттаси ўз навбати келишини кутгани ойдинлашади.

Аҳолисининг асосий қисми қишлоқда яшаган Ўзбекистонда собиқ тузум даврида қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, замон талаблари даражасида ривожлантириш борасида айтарли иш қилинмаганини ўша пайтда қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи водопровод билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминлангани ҳам кўрсатиб турибди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, мустабидлик йиллари давридан мисол излаганда, аксар ҳолларда 90-91-йиллардаги ҳолатни келтириб ўрганганмиз. Ваҳоланки, даврга жиддийроқ назар солинса, бу кўрсаткичларнинг ҳам катта қисмига Ислом Каримов республика етакчилигига сайланганидан сўнг эришилгани аён бўлади. Масалан, 1990 йилда Ўзбекистонда 2 минг 200 километрлик сув ва 3 минг километрга яқин газ тармоқлари ишга туширилган. Бу ўша пайтда юртимиздаги демографик вазиятга кўра камида 270 минг аҳоли ичимлик сув билан, 120 минг оила газ билан таъминланганини англатади. Ёхуд пахта экиладиган майдонларнинг қисқартирилиши борасида ҳам Ислом Каримов раҳбарлигининг дастлабки давридаёқ амалий натижага эришилган — 1987 йили 2 миллион 108 минг гектар ерга чигит экилган бўлса, 1990 йилда 1 миллион 826 минг гектар ерда пахта етиштирилган.

Ёши улуғроқлар яхши билади, шўро даврида қишлоқни шаҳарга яқинлаштириш ҳақида кўп гапирилар, баландпарвоз шиорлар ҳар томонга осиб қўйилар, амалда эса қишлоқ билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Қишлоқ ва у ерда истиқомат қилаётган аҳолининг яшаш шароити ҳеч кимни қизиқтирмаган. Қандай яшаяпсан, шароитинг қандай, уй қурмоқчимисан ё молхона, биров сўраган эмас. Шу боис ҳамма ўзича, қўлидан келганча қураверар, оқибатда кўримсизгина, шароити ҳаминқадар, сув, газ, маданий-маиший иншоотлар ва бошқа замонавий инфратузилмалардан йироқ уйлар пайдо бўлган. Ўзи ҳам буюртмачи, ҳам қурувчи бўлган қишлоқ аҳолисининг имкониятлари чеклангани, қурилиш материалларининг доимий танқислиги боис қўлбола қурилиш материалларидан "қад" кўтарган уйлар бир авлод яшаб улгурмай қайта тикланишга муҳтож бўлиб қоларди. Тиббиёт муассасаси, мактаб, болалар боғчаси, савдо шохобчалари, бозор, йўл сингари қулайликлар ҳақида эса ўйлаб ҳам ўтирилмасди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва қатъий белгилаб олинган оқилона сиёсат туфайли шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовут камайиб, қишлоқлар шаҳардан қолишмайдиган кўрк, қиёфа ва шароитга эга бўлмоқда. Бу борада қилинаётган ишлар кўламини тасаввур қилиш учун қурилиш ҳажми 1990 йилга нисбатан 2,3 марта ошгани, 1991-2009 йилларда 54 минг километрдан зиёд, жумладан, қишлоқ жойларда 47,9 минг километрлик сув тармоқлари ва ичимлик сув қувурлари, 74 минг километрдан ортиқ, қишлоқ жойларда 67,6 минг километрлик газ тармоқлари қурилиб, ишга туширилганини айтишнинг ўзи кифоя.

БМТ маълумотларига қараганда, халқаро молиявий бўҳрон туфайли дунёнинг 54 мамлакати аҳолиси 1990 йилга нисбатан қашшоқлашган, йигирмадан ортиқ мамлакат аҳолисининг асосий қисми очлиқдан азият чекмоқда. 34 мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси, 12 мамлакатда эса болаларнинг бошланғич мактабга қатнаш кўрсаткичи 1990 йилга қараганда пасайган. Айрим ривожланаётган давлатларда ҳам болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли мактабдан кетишга мажбур бўлаётгани қайд этилмоқда.

Эътибор қилинг, сўнгги 20 йилда дунёнинг аксарият давлатларида аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, таълим ва соғлиқни сақлаш каби ҳаётий муҳим тармоқларда орқага кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ўзбекистонда эса бу даврда аҳолининг реал даромадлари жон бошига етти баробар, ўртача пенсия миқдори қарийб тўққиз баробар, ўртача ойлик ўн саккиз баробар ошди. Одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етиб, оналар ўлими 3,1 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3,2 баробар камайишига эришилди.

Президентимиз ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий уй-жойларни юртдошларимиз ўзларига бўлган чексиз ғамхўрликнинг амалий ифодаси сифатида қабул қилмоқда. Барча шарт-шароит муҳайё қилинган бундай турар-жойлар қурилиши тобора кенгайиб, ҳар йили ўн минглаб қишлоқ аҳли ўз уйига эга бўлаётир. 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 159 қишлоқ туманида 650 янги уй-жой массиви барпо этилиб, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23 минг 600 дан ортиқ якка тартибдаги уй-жой қурилди. Айни пайтда у ерда юзлаб километр газ, ичимлик сув, электр тармоқлари, кенг ва равон йўллар, замонавий таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, болалар спорт майдончалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилаётгани ҳам инобатга олинса, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати янада яққолроқ намоён бўлади.

— Тинч ва фаровон, озод ва обод мамлакатда фарзандларим, набираларим қуршовида бахтли ҳаёт кечираётганимдан жуда мамнунман, — дейди Қумқўрғон тумани Гулистон қишлоғида истиқомат қилаётган Қ.Раҳмонова. — Ўғлим Алимардон икки йил бурун имтиёзли кредит олиб, тўрт хонали янги уйга кўчиб ўтган эди. Бу ердаги шарт-шароитни кўриб, аввалига кўзимга ишонмадим — наҳотки, ахир бундай шароитларда яшаш яқин-яқинларгача биз-нинг хаёлимизга ҳам келмаганку! Буни қара, ошхонадаги жўмракни бурасанг, сув оқиб турибди. Газни ёқсанг, бир зумда махсус мослама уйни иситиб беряпти. Хоналар кенг, ёруғ, шинам. Пойдевори баланд, деворлари пишиқ. Ҳовлида, кўча бўйида дов-дарахт, анвойи гуллар баҳри дилингни очади. Шундай яшаса ҳам бўлар экан-ку, деб юборасан беихтиёр. Мен ростдан ҳам бахтлиман. Оилам, юртим тинч, фарзандларим, набираларим кутганимдан-да аъло шароитларда улғаймоқда. Севган касбим бор. Шунинг учун баъзан ҳазиллашиб айтаманки, мен Ўзбекистондаги энг бахтиёр онаман. Аминманки, мендай бахтиёр оналар юртимизда беҳисоб.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш йўлида амалга оширилаётган бундай изчил ишлар нафақат қишлоғу шаҳарларимиз қиёфасини, халқимизнинг дунёқарашини ўзгартирди, балки унинг орзу-ниятларини ҳам юксалтириб юборди. Энди халқимиз буюк мақсадлар, эзгу ниятлар билан яшаш қандай юксак марраларга, саодатга мушарраф этишини яхши билади. "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган тамойил халқимиз ҳаётида, турмуш даражаси ва сифатининг изчил ўсиб бораётганида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Шу боис Ватанимиз мустақиллигининг қадрига етиш, уни мустаҳкамлаш учун курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик, фарзандлик бурчимиздир.

Жуманазар МЕЛИҚУЛОВ (ЎзА)

Таассурот

Жорий йил бошида Навоийда бўлганимда иссиқхоналардан бирида йўлга қўйилган ишларни кўриб, ҳайратим ошди. Бу ерда ишловчилар учун замонавий қулайликларга эга дам олиш хоналари, ошхона, хуллас, барча шароит яратилган эди. Тадбиркорликнинг ҳадисини олган, юзидан нур ёғилиб турган Мирзо Эгамов бизга пешвоз чиқди.

Ишбилармон ҳузурида бир кун

Гаплари ўктам, кулгуси жарангдор, хуш кайфиятли бу инсон бизни ўз ходимлари билан бирма-бир таништиргач, иссиқхонада амалга оширилаётган ишларни кўрсатди. Ташқаридаги ободончилик ва озодаликдан кўнглимизда пайдо бўлган ҳайрат иссиқхона ичига кирганимиздан сўнг икки баробар ортди. Бу ерда чўғдек қип-қизил, маржон-маржон помидор шодаларидан иборат эртакнамо муҳитни кўриб, дилларимиз яйради. Инсон қўли нақадар мўъжизакор.

Навоий вилояти Кармана туманидаги Катта мачит маҳалласида барпо этилган «Эгам Самад» фермер хўжалиги иссиқхонаси 2009 йилда ташкил этилган экан. Ҳозир бу ерда 12 та доимий иш ўрни яратилибди. Унинг раҳбари якка тадбиркор Мирзо Эгамов ҳам ўз ишидан мамнунлигини яширмади.

— Бодринг, помидор, булғор қалампири, бақлажон, лимон каби она замин неъматларини истеъмолчиларга етказиб улгурмаяпмиз. Ҳамюртларимиз дастурхонини тўкин этишда бизнинг ҳам ҳиссамиз қўшилаётганидан мамнунмиз, — дейди у.

Ўз ишини ҳавас қиларли даражада йўлга қўйган, ишбилармон одамларни, корхонанинг батартиблигига маҳлиё бўлиб, иссиқхонада қилинаётган ишлар билан танишиб юриб, вақтнинг қандай ўтганини ҳам сезмай қолдик. Қўли гул, қалби яратувчанлик ишқи билан ёнган ҳамюртларимизга муваффақиятлар тилаб улар билан хайрлашдик.

Феруза ҚОБИЛОВА

ЁНИБ ЯШАЁТГАН ЁШЛАР

таъсис этилган. Ушбу мукофот ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган қутлуғ сана арафасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг қарори асосида бир гуруҳ ёшларга тантанали равишда топширилади.

Бундан ташқари, «Келажак овози» мега-танлови, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали, иқтидорли талабалар учун стипендиялар ва грантлар дастурлари каби йирик лойиҳалар юртимизда юзлаб ёш иқтидор эгаларини кашф этишга, моддий ва маънавий рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида илмий салоҳиятга эга иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида ҳар ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси, шунингдек, турли йўналишлар бўйича қатор номдор давлат стипендиялари учун бакалавриат ва магистратура босқичларида таълим олаётган талабалар ўртасида танловлар ўтказилади.

1997 йилдан бошлаб ўзбекистонлик ўқувчилар халқаро фан олимпиадаларида мунтазам иштирок этишяпти. Бу борада мақтовга арзигулик ютуқларимиз бор. Ҳозирга қадар Ўзбекистон терма жамоаси таркибида нуфузли халқаро фан беллашувларида ҳаммаси бўлиб 273 нафар ўқувчи қатнашди. Улар томонидан 23 та олтин, 56 та кумуш, 185 та бронза медаль ҳамда юздан зиёд рағбатлантирувчи дипломлар қўлга киритилган.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейнинг собиқ ўқувчиси Диёра Салимова 2008 ва 2009 йилларда кетма-кет халқаро математика олимпиадасида қатнашиб, бронза ва кумуш медаллар соҳибаси бўлган эди. Шуниси муҳимки, Диёра халқаро миқёсдаги фан олимпиадасида иштирок этган биринчи ўзбек қизидир.

Кимё фанидан ўтказилувчи халқаро Менделеев олимпиадасига мамлакатимиз икки маротаба — 2008 ва 2013 йилларда мезбонлик қилганини ҳам эътироф этиш жоиз. 2008 йили Тошкентда бўлиб ўтган 42-халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз вакили биринчи олтин медални қўлга киритган эди. Шу йилнинг 24-30 май кунлари пойтахтимизда иккинчи маротаба ўтказилган халқаро Менделеев олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг икки нафари олтин, беш нафари кумуш ва саккиз нафари бронза медаль билан тақдирланганги эса том маънодаги улкан ғалабадир.

СЎЗ САНЪАТИГА ЭЪТИБОР

Бундан бир аср олдин мутафаккир шоир Чўлпон, адабиёт яшаса — миллат яшайди, дея сўз санъатининг қийматини, аҳамиятини, мавқеини эслатиб қўйган эди. Юртбошимизнинг адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор, дея берган баҳоси ўзининг кўлами, мазмун-моҳияти билан бадиятнинг энг юксак эътирофи бўлди. Адабиёт жамиятнинг муҳим бўғини экани, усиз маънавият ҳам, келажак ҳам бўлмаслиги мазкур эътироф тимсолида яна бир карра намоён бўлди.

Бугун мамлакатимизда миллий адабиётимизни янада равнақ топтириш, адабиётимиз келажаги саналмиш ёш истеъдодли ижодкорларни аниқлаш ва уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ёш қаламкашларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий маҳорат, билимларини ошириш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда «Истеъдод мактаби» анжуманлари ташкил этиб келинаяпти. Ана шу тадбирларда халқ шоир ва ёзувчилари, таниқли адиб ва шоирлар, мутаржим ва публицистларнинг иштирок этиб, ёш издошларига маҳорат сабоқлари ўтишлари бўлажак шоир ва адиблар, таржимон ва публицистларнинг ижодга бўлган қизиқиш ва меҳрини ошириш, ўз устида ишлаш, изланишларида муносиб рағбат бўлмоқда.

Ёзувчилар уюшмаси томонидан ёш истеъдодли шоир ва адибларнинг илк китобларини чоп этиб бориш ҳам эзгу анъанага айланиб қолди. «Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш» тамойили остида ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари бўйича танловлар Уюшма томонидан «Биринчи китобим» лойиҳаси асосида ўтказиб келинмоқда. Китобларни нашр этиш харажатлари Уюшма қошидаги Ижод фонди томонидан молиялаштириб келинаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Шу кунга қадар «Биринчи китобим» рукнида йигирма етти нафар ёш ижодкорнинг китоблари ҳар бири йигирма минг нусхадан чоп этилиб, ўқувчиларга ҳавола қилинди.

МАЙДОНДА СИНАЛГАНЛАР

Жаҳон аҳли сон-саноқсиз паҳлавонларнинг шонли ғалабаларига гувоҳ бўлган. Кураги ер ўпмаган полвонларни кўрган, қўша-қўша олтин медалларни кўксига таққан чемпионларни олқишлаган. Уларга лол қолган. Бироқ олти ёшли ўғлоннинг нуфузли чемпионат шоҳсупасида ғоз турганига спорт аҳли камдан-кам гувоҳ бўлган эди.

Шу йилнинг июнь ойида Эронда бўлиб ўтган шахмат бўйича 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида иштирок этган ўзбек ўғлони, Мустақиллик фарзанди, олти яшар Исломбек Синдоров чемпионатнинг рапид ва блиц турнирларида ва классик шахмат бўйича олтин медалларни қўлга киритиб, юрт шаънини, уни вояга етказган она тупроғи шаънини, ўтган улуғ боболари — аждодлари шаънини муносиб ҳимоя қилди.

Бугун Ўзбекистонда бу каби хушхабарлар гулларнинг муаттар ифорлари кўклам бўйи боғу далаларга қандай таралса, йил бўйи ватанни шундай кезиб юради.

Спортда эришилаётган ютуқларнинг илдизи узоқ йилларга, халқимизнинг иродаси, аждодларимизнинг шахту шижоатига бориб етса-да, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани спорт соҳасидаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантирди.

Ўтган ўн бир йил ичида БСРЖ маблағлари ҳисобидан 1113 та болалар спорти объекти, 252 та янги спорт комплекси, 861 та спорт зали барпо этилди. Мазкур бунёдкорлик ишларининг 84 фоизи қишлоқларда амалга оширилганини бугун фахр билан айтиш мумкин.

Эндиликда спорт фақат ғалабалар ёки шон-шуҳрат воситаси эмас. Унинг ижтимоий аҳамияти жуда катта. Ўз олдига юксак мақсадларни қўйган мамлакатнинг фарзандлари соғлом, бақувват, ҳар қандай машаққатларга чидамли, мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоғи керак. Бу борада спорт энг яхши воситадир. Кейинги ўн йил ичида ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил болаларнинг ўртача вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга, қизларнинг ўртача вазни эса 44 килограммдан 48 килограммга ортди. Болаларнинг ўртача бўйи 3 сантиметр, қизларники 2,9 сантиметр ўсди. Ўзбекистонлик 92 фоиз ўғил-қизларнинг вазн ва бўй кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. Буларнинг замирида мужассам омиллар бисёр. Булар — халқимиз турмуш даражасининг ўсиб бораётгани, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осудалик, ҳар бир соҳада қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, юксалиш, тараққиёт, шу билан бирга спортга берилаётган эътибор ҳам. Негаки, айнан спортгина ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига кўмак беради. Спортга эътибор, спортни тарғиб қилиш, спортчиларни рағбатлантириш — Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш — келажаги буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга юксак обрў эгаллаш демакдир!» деган олижаноб шиор билан бугун ижтимоий ва умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу эса келажакда бугунгидан ҳам юқори кўрсаткичлар, улкан ғалабаларга бизни умидлантиради.

Юртимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор ўғил-қизларимизнинг Президентимиз истаганидек, кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари учун муносиб имкониятдир. Аслида, мустақилликнинг ўзи ҳар бир инсон учун имкониятнинг беҳад кенг уфқларини очади. Демак, ёшларимиз икки ҳисса бахтли, иқболи ярқираган. Яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиб, юксак марраларни забт этиш, билдирилган умид ва ишончни оқлаш, улуғ боболарнинг авлодлари эканини исботлаб, халқимизни тамаддуннинг шонли чўққисига олиб чиқиш фарзандларимиз қўлида. Ишонамизки, улар, албатта, Ватанимизнинг эртанги кунига муносиб ворис бўлиб камолга етишади.



ЎзА суратлари

ЁШЛАР ҚЎШИҒИ

Ўзимизни чоғлаб улуғ ҳимматларга,
Биз тайёрмиз миллат учун хизматларга,
Бир қаричинг алишмасдан жаннатларга,
Онамиздек асрагаймиз сени, Ватан.

Баланд тутиб ғуруримиз, оримизни,
Юртга бериб юракдаги боримизни,
Ёвга бермай ёмғиримиз, қоримизни,
Отамиздек асрагаймиз сени, Ватан.

Ватан тоза севгилардек суюк бўлгай,
Буюк юртнинг фарзандлари буюк бўлгай,
Ёғийларнинг баҳри доим қуюк бўлгай,
Ёримиздек асрагаймиз сени, Ватан.

Биз ёшлармиз — фидоликдир матлабимиз,
Ватан бизнинг уйимиз ҳам мактабимиз,
Ҳимояда метин бўлар сафларимиз,
Оримиздек асрагаймиз сени, Ватан!

Салим АШУРОВ,
«Turkiston» ва «Молодёжь Узбекистана» газеталари бош муҳаррири,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ЕНГИЛ САНОАТ:

(Боши 1-бетда.)

ЭКСПОРТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бунинг устига замонавий маркетинг хизматининг тайёр, синалган тажрибаси ҳам ҳали тўла шаклланмаган. Мутахассисларимиз ишлаб тажриба орттиришмоқда. Бозор талаби эса битта — маҳсулот рақобатга чидамли, ҳамёнбоп бўлиши зарур. Бундан ташқари, харидорнинг диди нозик. Дизайнда ёки тикилишда жиндай хато сезса, кейинги растага ўтиб кетади.

Ана шундай шароитда жаҳон бозоридан харидор топишнинг ўзи бўлмайди-да. Аммо юртимиздаги енгил саноат корхоналари бу борада узоқ йиллик тажрибага эга. Буни экспорт жуғрофияси кенгайиб бораётганида ҳам кўрамиз. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат маҳсулотлари Россия, Хитой, Туркия, Саудия Арабистони, Лотин Америкаси мамлакатлари ва Африка қитъасининг бир қатор давлатларига экспорт қилинаяпти. Бир сўз билан айтганда, "Made in Uzbekistan" бренди остидаги маҳсулотлар дунёнинг элликка яқин мамлакатига тарқалмоқда.

— Хориждан муқобил бозорларни аниқлаш мақсадида корхоналаримиз чет элларда диллерлик пунктларини ташкил этишмоқда, — дейди "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари Мақсуджон Мансуров, — Ҳозирги кунгача Европа Иттифоқи, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳамда Осиё қитъаси мамлакатларида 40 дан зиёд корхоналарнинг савдо уйлари фаолият кўрсатаяпти.

Хорижда савдо уйларини ташкил этиш корхоналарга халқаро алоқаларни ўрнатишда ҳам кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Уларга тўғридан-тўғри дунё бозорига кириб бориш имкониятини туғдирмоқда. Бундан ташқари, тизимда ўтказилаётган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда қатнашаётган корхоналар янги-янги харидорларни топишаяпти.

Жаҳон бозорининг яна муҳим шартларидан бири сифатли маҳсулотларга бўлган талабдир. Албатта, маҳсулот сифатли бўлиши учун малакали мутахассислар ва замонавий технологиялар зарур. Бу йўналишда ҳам улар қатор йиллардан буён Жанубий Корея ҳамда британиялик ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилиб келишаётир. Янги технологияларни олиб кириш ҳам доимий эътиборда. Корхоналарга асосан Швейцария ва Германиядан ускуналар харид қилинмоқда. Ана шу омиллар натижасида мамлакатимиз енгил саноат соҳасида дунёнинг энг етакчиларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Гап сифат ҳақида бораркан, бугунгача юртимизда фаолият кўрсатаётган 55 та корхона ISO-9001 халқаро сифат сертификатига эга эканини айтиш жоиз. 2013-2014 йилларда эса уларнинг сони 124 тага етиши кўзда тутилмоқда.

Юртимизда соҳага эътибор кучайиб, янги-янги корхоналар ишга туширилмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 11 та йирик корхона иш бошлади. Йил охиригача эса уларнинг сони 31 тага етиши назарда тутилган. Ана шу мақсадда соҳага 147 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ жалб этилиши мўлжалланган. Яна бир гап, айни пайтда юртимиз енгил саноат корхоналари етиштирилаётган пахтанинг 30 фоиздан кўпроғини қайта ишлашга эришаяпти, холос. Бу кўрсаткич 2015 йилга бориб 50 фоизни ташкил этади. Бундан кўринадики, соҳанинг ҳали имкониятлари кўлами анча кенг. Инчунун, у яқин келажакда мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томирларидан бирига айланса, ажаб эмас.



Ҳасан САЛОМОВ
"Hurriyat" мухбири

Билмаганни билган яхши

Солиқ имтиёзи

Айтинг-чи, қандай деҳқон хўжаликлари ер солиғи тўловчилари бўлади ва пенсионерлар ҳамда бошқа жисмоний шахслар учун ер, мол-мулк солиғидан имтиёзлар борми?

Умарали Хушвақтов
Бекобод тумани

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 287-моддасига биноан мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғи тўловчилари ҳисобланади.

Мазкур кодекснинг 290-моддаси, 5-бандига кўра, ёлғиз пенсионерлар ер солиғидан озод қилинади. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда, квартирада ёки ётоқхонада бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг маълумотномаси асосида шахсий пенсия тайинланган шахсларга берилади.

Бунда жисмоний шахсларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органда рўйхатдан ўтказган бўлишлари лозим. Таъкидлаш жоизки, мазкур имтиёзлар агар солиқ тўловчида бир неча ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлса, имтиёз унинг танлаши бўйича битта ер участкасига берилиши мумкин.

Ушбу модданинг 10-бандига кўра, жисмоний шахслар — уларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича — ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга солиқ тўлашдан озод қилинган.

Солиқ кодексининг 277,293,294 — моддаларига асосан, жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулкига солинадиган солиқларни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулкига солинадиган солиқларни солиқ тўлаш даври учун тўлаш тенг улушларда бир йилда икки марта амалга оширилади:

- ҳисобот йилининг 15 июнига қадар;

- ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар.

Мазкур солиқларнинг биринчи қисмини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 июнига қадар бўлганлиги боис, сизнинг ҳисобот йилининг 1 январидан 15 июнига қадар тўлаш ҳуқуқингиз бор.

Саволга Тошкент вилояти адлия бошқармасининг масъул ходимлари Бахтиёр ТУРҒУНОВ, Музаффар АЛЛАЯРОВ жавоб бердилар.

Ишончнома тузиш тартиби

— Газетангиз саҳифаларида автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни тузиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Нурислом Баратов
Чиноз тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тўғрисида"ги низомга мувофиқ бундай ишончномалар гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади.

18 ёшга тўлмаган шахсларга автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди. Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги низомига мувофиқ, нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситаларига тааллуқли ишончномалар Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ДЙҲХХ органларида ҳисобга қўйилиши керак. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошқа давлатлардан олиб келинган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар бериш улар божхона органларида расмийлаштирилганидан ва ДЙҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Нотариус автомототранспорт воситасини тасарруф этиш ҳуқуқи билан ишончномани тасдиқлаш пайтида ишончнома берувчи эри ёки хотинининг мулкни тасарруф этишга розилиги ҳақидаги ёзма аризаси олиниб, имзоси шаҳодатлантирилади.

Ишончнома кўпи билан уч йилга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган санаси кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Саволга Тошкент вилояти адлия бошқармасининг масъул ходимлари Элёр ДОНИЯРОВ, Сунатилла АБДУРАСУЛОВ жавоб бердилар.

Тадбир

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимини ва касб маҳоратини оширишга бағишланган ўқув семинари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Миллий телерадиокомпания, "Жаҳон" ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, матбуот хизматлари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазратқулов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғ.Мирзаев, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз мустақиллигининг қўлга киритилиши қадр-қимматимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, озод ва обод Ватан, фаровон жамият барпо этиш борасидаги изчил ишларда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мустақиллик энг аввало эркин ва бахтли яшаш ҳуқуқидир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган олижаноб даъват халқимиз юрагига чуқур кириб бориб, истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётир.

Халқимиз ҳаётида рўй бераётган ана шундай улкан ўзгаришларни мамлакатимиз ва хорижда кенг ёритиш, ислоҳотлардан аҳолининг баҳрамандлик даражасини ошириш журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу журналистдан ўз мутахассислиги билан бирга замонавий ахборот технологиялари ва хорижий тилларни яхши билишни, ватанпарварлик ҳисси билан яшаш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишни, доимо огоҳ ва фаол бўлишни талаб этмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ана шундай талабларга тўла жавоб бера оладиган мутахассис бўлиши ва эркин фаолият юритиши учун юртимизда барча шароитлар яратилган. Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, соҳага янги технологиялар ва бозор иқтисодиёти механизмларини кенг татбиқ этишга доимий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида мазкур йўналишда давлат тузилмалари билан бирга нодавлат теле-радиоканаллар ва матбуот нашрлари тармоғи ҳам изчил ривожланаётир.

Семинарда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар ва самаралар-нинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, журналист масъулияти ва вазифалари хусусида сўз юритилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида жисмонан соғлом, маънавий етук, дунёқараши теран ва мустақил фикрлайдиган баркамол авлод этиб тарбиялаш, ёшларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз менталитетига ёт бўлган турли иллатларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш, ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, улар орасидан иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" республика танловини ўтказади.

Танловда республика оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда таҳририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш масалалари, давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар кенг очиб берилган бўлиши даркор.

Танловга тақдим этиладиган материаллар 2013 йилнинг 1 ноябригача "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 11-уй)да қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

– муаллифнинг паспорт нусхаси;
– таҳририят ёки ўқув юртидан берилган тавсиянома;
– 4х6 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;
– муаллифнинг боғланиш телефонлари.

Танлов ғолиблари махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллик байрами арафасида топширилади.

Мурожаат учун телефонлар:
170-90-27, 241-00-50



Фаолият

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИ — ЯҚИН КЎМАКЧИ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республикамиздаги барча вазирликлар, қўмиталар ва идораларнинг мутасаддилари иштирокида ОАВ вакиллари билан матбуот анжуманлари ўтказилиши анъанага айланган.

Одатда шу пайтгача ўзлари учун зарур маълумотларни олиш учун тегишли ташкилот ва идораларнинг йўлакларида кўп вақтларини ўтказишарди. Бу ҳол нафақат вақтни, балки муайян маъмурий тартибларни ҳам талаб қиларди. Марказда ўтказиладиган матбуот анжуманларининг афзаллиги шундаки, ОАВ вакиллари мазкур вазирлик ёки идоранинг раҳбарияти ва мутахассисларидан бевосита ахборот олишмоқда, қолаверса, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб топмоқда.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Миллий матбуот маркази "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" асосида ўз фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, шунингдек, ахборот сиёсатини такомиллаштириш борасида аниқ чора-тадбирларни белгилаб, фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Миллий матбуот маркази вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари, муассасалар томонидан амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маънавий, маданий-маърифий ислоҳотлар ва уларнинг кечаги ва бугунги кундаги ҳолати, белгиланган устувор вазифалар, кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маҳаллий ва хорижий ОАВга бериб борилаётган ахборот-ҳисобот анжуманлари тизимли равишда шаклланди.

Марказнинг ўтган йиллар давомидаги фаолиятига назар ташласак, бу яққол кўринади. Мисол учун 2009 йил бу даргоҳда 29 та матбуот анжумани ўтказилган бўлса, 2010 йилда 45 та, 2011 йилда 85 маротаба шундай тадбирлар ташкил этилган. 2012 йилга келиб эса 206 ташкилот ва идоралар мутасаддилари журналистлар билан мулоқотда бўлдилар. Ўтган ярим йил давомида эса марказда 116 дан ошиқ тадбирлар: матбуот анжуманлари, конференциялар, брифинг, тақдимотлар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Бундай учрашувларнинг аҳамияти шундаки, таклиф этилган вазирлик, банк ва ташкилотлар вакиллари ўз фаолиятлари, амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳисобот берадилар, балки, пресс релизлар ва тадбир дастури билан чекланмасдан соҳа фаолиятини яққолроқ очиб берувчи слайдлар, буклетлар, кичик кўргазмалар уюштириб, матбуот ходимларига соҳанинг ички муҳити билан таништиришга муваффақ бўлмоқдалар. Барча ҳамкор ташкилотлар матбуот анжуманини юқори савияда ташкил этишга жиддий тайёргарлик кўриб келишади. Улар иш жараёнида журналистларнинг эътиборига ўз фаолиятини тўлароқ акс эттирувчи видеофильмларини намойиш ҳам этишмоқда.

Бу йилги тадбирларнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, олдингилардагидек белгиланган мавзуга дахлдор бўлган битта ташкилот эмас, балки соҳага алоқадор бошқа идора вакиллари билан ҳамжиҳатликда мавзуга ёндошмоқда. Қалам аҳли турли соҳа мутасаддилари билан қанчалик кўп учрашса, кун тартибидаги масаланинг моҳиятига шунча чуқурроқ кириб борадилар. Бу эса матбуот учун тайёрланаётган материалларини янада қизиқарли ва пухта бўлишига кўмак беради. Шунингдек, кўпгина электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари шу ернинг ўзида тўғридан тўғри эфирга чиқиб тадбир ҳақида, интервью ва репортажларни узатиш имкониятларига ҳам эга. Буларнинг бари, аввало, журналистлар учун кенг кўламдаги ахборотлар билан таъминлашга хизмат қилади. Пировардида эса халқимиз юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун моҳияти билан батафсил танишадилар.

— Матбуот анжуманларига 95 турдаги маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари, яъни 61 тури маҳаллий, 34 тури хорижий ОАВ таклиф қилинмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази раҳбари Шавқиддин Ғаниев. — Анжуман жараёнида журналистлар юртимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ жамиятимизнинг барча соҳасини бирдек қамраб олган ислоҳотлар ва эришилган натижалар, кутилаётган самаралар, белгиланган дастурлар ва истиқболдаги вазифалар тўғрисида, бундан ташқари, камчиликлар, муаммолар ва уларни бартараф этиш борасида белгиланган чора-тадбирлар тўғрисида тўғри ва холис ахборотни ҳеч қандай монеликсиз, ҳеч қандай тўсиқсиз олмоқда. Бу эса юртимизда ахборот эркинлиги ва ошкоралигининг бир кўринишидир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Миллий матбуот маркази давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабордор қилиб, истиқлол йилларида жамиятимизнинг барча жабҳасини бирдек қамраб олган ислоҳотларнинг, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг, мамлакатимизда кечаётган ўзгаришлар хусусида фикрлар хилма-хиллиги, ахборотларнинг шаффоф ва холислиги ҳамда тўғрилигини таъминлашда ўз фаолияти доирасида хизмат қилиб келмоқда.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Бу шундай туйғуки...

Эзгу мақсад йўлида

Мен келажакда етук журналист бўлиш мақсадида ўз билим ва кўникмаларимни ошираяпман. Ҳа, танлаган соҳам анча мураккаб. Кишидан тинмай изланишни, ўқишни талаб этади. Бугун бу соҳага оид билимга эга бўлаяпман.

Менда бадиий ижодга ҳавас мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ уйғонганди. Ўзбек адабиёти осмонининг порлоқ юлдузлари — Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодира, Увайсий, Огаҳий ижодларини севиб ўқийман. Эндиликда улар ҳаётимга мазмун бағишловчи омилга айланган. Шунингдек, Фитрат, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби XX аср ўзбек адабиётининг жасоратли ижодкорларнинг Ватан, миллат тақдири учун қилган фидойиликлари мен учун катта мактаб вазифасини ўтайди. Уларнинг она-Ватанни улуғлаб ёзган ноёб битиклари қўлимга қалам олишга ундайди. Кун сайин ижоднинг моҳияти, масъулияти ва машаққатини ҳис эта бошлайман.

Таҳсил олишим давомида шуни англадимки, ижодкор олдидаги энг муҳим масъулият — бу виждонига қарши иш тутмаслик экан. Унинг асосий мақсади халқнинг қалбини ларзага соладиган, ҳаёт гўзаллиги, унинг қадр-қиммати ҳақида сабоқ берадиган мақолалар ёзишдан иборат. Бугун ушбу фикрларни англаб етганимдан бахтиёрман.

Шукурки, эндиликда юртимизда ёшларнинг ўзларини қизиқтирган соҳаларни эгаллашлари, илм олишлари, ўз истеъдодларини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Шу туфайли ҳозир тенгдошларимда илм чўққиларини эгаллашга интилиш янада ошган. Улар фаровон ҳаёт барпо этиш учун чуқур билимга эга бўлишлари шартлигини англаб етганлар. Бу эса, шубҳасиз, бизни янада якдил бўлиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги учун хизмат қилишга ундайверади. Мен ҳам уларнинг сафида эканимдан фахрланаман.

Гулзода ФАРМОНОВА

ЗИЛЗИЛА БЎЛИШИНИНГ ЯНА БИР САБАБИ



Ернинг нефть қазиб олинган қатлами қайта ишланган сув билан тўлдирилиши кучли зилзилаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар экан.

Ушбу хулоса шундай усул қўлланган Техас, Колорадо ва Оклахомадаги учта сейсмик фаол нуқтадан олинган таҳлилларга асосланади. Америкалик олимлар мазкур маълумотларни глобал сейсмик маълумотлар билан таққослаб, сайёрамизнинг олис бурчакларида юз берувчи кучли зилзилалар нефть қазиб олингач, қайта ишланган сув билан тўлдирилган жойларда муқаррар равишда ўз «акс-садоси»ни бермоқда деган хулосага келишди.

Шу соҳа билан машғул мутахассислар инсон омили туфайли содир бўладиган зилзилалар оқибатини ўрганар экан уларни икки гуруҳга ажратдилар. Хулосага кўра, нефть қазиб олиш жараёнида Ер қатламини гидравлик ёриш усули қўлланилганда зилзила кучи сезилар-сезилмас (2 баллдан камроқ) даражада бўлса, аксинча, қатламдаги бўшлиқ юқорида таъкидланганидек, қайта ишланган сув билан тўлдирилганда юз берадиган зилзиланинг фалокатли кучи янада ошиб кетар экан.

УЧ КУН ДАРАХТДА ЎТИРИШДИ

Бир гуруҳ одамлар Индонезиядаги Суматра оролининг шимолий қисмидаги чангалзорларда парфюмерия саноатида ишлатиладиган ноёб дарахтни қидираётиб йўлбарслар ҳужумига учради.

Йўлбарслар улардан бирини нобуд қилди, тирик қолган беш киши эса уч кун давомида дарахт тепасида жон сақлашга мажбур бўлди.

Улар ҳар бир килограмининг нархи 550 Австралия доллари турадиган алим дарахтини қидириб топиш ниятида одам оёғи етмаган чангалзорга йўл олишган эди. Сабаби бундай ноёб дарахтлар йиртқичлар макон тутган жойлардагина сақланиб қолган эди.

Йўлбарсларнинг бу қадар тажовузкорлигига овчилар томонидан кийик ва ғизолларни тутиш учун қазилган ўрага йўлбарс боласининг тушиб кетиб, нобуд бўлгани сабабчидир. Алал-оқибат, ўттиз кишидан иборат полициячи ва аскарлар йўлбарслар исканжасига тушган одамларни бир амаллаб халос этишди.

ЎЗГА САЙЁРАЛИК УЛКАН ВИРУС



Чили ва Австралия сув ҳавзаларидан шу пайтгача фанга номаълум бўлган янги вирус топилди. У ҳажман бошқа юқумли турдошларидан анча йирик бўлса-да, аммо ўлчамлар нуқтаи назаридан қаралганда унча катта эмас, яъни унинг узунлиги 1, эни ярим микрометрни ташкил этади.

Биологлар Пандора деб номлаган ушбу вирус Ерга коинотдан — олимлар уни Марс ёки инсониятга номаълум бўлган бирон-бир сайёрадан келиб қолган деган тахминга боришмоқда.

Ғалати томони шундаки, вируснинг аксарият генлари олимларга нотанишлигича қолмоқда. Пандора вируси ўз қурбонининг ичида кўпайиши мумкин ва инсониятга хавф туғдирмайди.

Айтиш керакки, 1992 йилда олимлар коинотдан тушган дастлабки шундай улкан вирусни кашф қилишган эди. Унинг ҳам генлари фанга номаълумлигича қолмоқда.

ОЛТИННИНГ ПАЙДО БЎЛИШ СИРИ АНИҚЛАНДИ



Маълумки, олтин сайёрамиздаги энг қимматбаҳо металлардан бири саналади. Буни қарангки, ушбу металл нафақат Ер юзида, балки бутун коинотда ҳам ўта камёб экан.

Гарвард-Смитсон астрофизика маркази астрономлари нима сабабдан олтиннинг ноёблиги сирини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Уларнинг айтишича, ушбу металл ниҳоятда ноёб ҳодиса — қисқа гамма чақнашлари туфайли ҳосил бўлар экан.

Кўпгина кимёвий элементлар юлдузлар ичида рўй берадиган термоядро реакциялари натижасида ҳосил бўлади. Қисқа гамма чақнашлар эса нейтрон юлдузларнинг бир-бири билан тўқнашуви натижасида пайдо бўлади. Шундай пайтда жуда улкан энергия ажралади ва коинотга қуёш массасининг бир фоизига тенг миқдорда турли моддалар сочилиб кетади. Айнан шу моддалар таркибида олтин ҳам бўлади. Бундай ҳодиса борлиқда камдан-кам ҳолларда рўй бериши сабабли олтин ниҳоятда ноёблик касб этган.

Олимлар сайёрамиздаги барча олтинлар бундан 443 миллион йил аввал пайдо бўлган, деган фаразни илгари суришмоқда. Ордовик-силур эраси деб ном олган ўша даврда Ер юзидаги тирик мавжудотларнинг тахминан 60 фоизи қирилиб кетган. Ердан 6 минг ёруғлик йили узоқлигида юз берган гамма чақнаши ушбу жонзотларни қириб юборган. Ўшанда атиги бир неча сония давом этган чақнаш сайёрамиз озон қатламини емириб, аксарият жонзотларнинг ҳалокатига сабаб бўлган.

Олимлар Ердан 3,9 миллиард ёруғлик йилида жойлашган GRB 130603B объектида юз берган портлашни кузатиб шундай хулосага келишди. Мазкур ҳодиса бутун астрономик кузатувлар тарихида олимлар кўра олган ягона портлашдир. Нурланиш таҳлиллари иккита нейтрон юлдузининг тўқнашувидан сўнг фазога қўплаб оғир элементлар сочилиб кетганлигини кўрсатди. Улар орасида олтин метали ҳам борлиги аниқланди.

ҚИРҚ ОЛТИ ЙИЛ АВВАЛ МУДДАТИ ЎТГАН ГЎШТЛАР

Хитойнинг Гуанси-Чжуан мухтор туманида полиция вакиллари вьетнамлик контрабандачилардан 22 тонна товуқ гўштини мусодара қилди. Ажабланарлиси, полиция томонидан мусодара этилган товуқ бўйни ва оёқларининг яроқлилик муддати бундан роппа-роса 46 йил муқаддам, яъни 1967 йилда тугаб бўлган экан.

Полиция вакилининг айтишича, бактерияларни ўлдириш ҳамда товарни янгидек кўрсатиш мақсадида аллақачонлар яроқлилик муддати ўтиб кетган товуқ гўштига ниҳоятда кўп марта кимёвий моддалар ёрдамида ишлов берилган. Контрабандачиларга қарши мазкур амалиёт гарчи жорий йилнинг май ойида ўтказилган бўлса-да, одамлар бу воқеадан яқин кунларда хабардор бўлишди.

ПИВО МИЯ ФАОЛИЯТИНИ СУСАЙТИРАДИ

Испаниядаги Сантьяго де Компостела университети олимлари уч кружка пиво ёки уч бокал вино мия фаоллигини йигирма фоизга пасайтиради, деган хулосага келишди. Бунинг учун икки гуруҳ талабалар ўртасида ғайриоддий бир тажриба ўтказилди. Яъни талабалардан бир гуруҳига ҳафта давомида пиво ичиш бутунлай ман қилинди. Ва аксинча, иккинчи гуруҳ иштирокчиларнинг ҳар бирига ҳафта давомида бир ярим литрдан пиво ичишга рухсат берилди.

Натижада дарсларни ўзлаштириш бобида пиво ичган талабалар ҳушёр турмуш тарзини олиб борган тенгқурларига қараганда анча кўп куч сарфлашларига тўғри келди. Ушбу тажриба ичувчи кишиларнинг асаб тизими мунтазам зўриқишда бўлишини яна бир карра исботлади.

Интернет хабарлари асосида А. АЗИМОВ тайёрлади.

Шарҳ

Қарздорлик ботқоғи

Ўтган беш йилдан буён қатъий чора-тадбирлар белгиланганига қарамай, дунёнинг кўплаб мамлакатлари, айниқса, Европа давлатлари жаҳонда ҳукм сураётган молиявий инқироздан қаттиқ азият чекмоқда. Йирик корпорациялар даромадларининг кескин камайиб кетгани боис, ортиқча харажатларга чек қўйишга ҳаракат қиляпти, хусусан, минглаб ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинаётир. Юзага келган бундай оғир вазиятдан боши гангиб қолган обрўли компаниялар ҳам ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлишяпти. Оқибатда жаҳон бўйича ишсизлар сони кескин ошиб, инқироз исканжасида қолган мамлакатлар аҳолисининг ижтимоий аҳволи оғирлашмоқда.



Жаҳон матбуоти саҳифаларида берилаётган маълумотларга қараганда, жорий йил бошига келиб АҚШда ишсизлик даражаси 7,6 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, ўтган йилнинг ушбу даврида бу кўрсаткич 4,9 фоиз эди. Европада бу борадаги кўрсаткич 8,2 фоиз. Нафақат Осиё минтақасида, балки бутун дунё миқёсида ишсизлик жиҳатдан қудратли давлатлардан бири саналган Японияга ҳам инқироз ўз ҳукмини ўтказди. Ҳозирга келиб кунчиқар юртда ишсизлик даражаси 8,2 фоиздан ошди.

Оғир қурғоқчиликдан азоб чекаётган Африка мамлакатларида иқтисодий таназзул янада кучайди. Яъни қитъада аҳолининг қашшоқлик даражаси энг юқори нуқтага кўтарилди. Экспертларнинг берган маълумотларига қараганда, вазият шу зайлда давом этса, Ер шарида ишсизлар сони яна 30 миллионга ошиб, жами 230 миллионга етади. Бу эса дунёда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 6,5 фоизи кун кўриш имкониятидан маҳрум бўлади, деган маънони англатади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деб қараш мумкин эмас. Глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми сифатида Ўзбекистон ҳам жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини ҳис этиб турибди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган "Инқирозга қарши чоралар дастури" мамлакатимизнинг 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг устувор йўналиши этиб белгиланган. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш йўллари чуқур ва атрофлича таҳлил этилган. Инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатишга қаратилган "Инқирозга қарши чоралар дастури"ни ишлаб чиқишга йўналтирилган амалий тавсиялар берилган.

Маълумки, йирик ривожланган мамлакатларда узоқ йиллардан буён муттасил давлат бюджети тақчиллиги қузатилгани ва уларнинг салбий ташқи савдо балансига эга эканлиги, давлат ташқи қарзининг миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан юқори бўлаётгани, ривожланган мамлакатда қайта молиялаш ставкасининг паст даражада ушлаб турилиши оқибатида жаҳон капитал бозорида арзон кредитларнинг юзага келиши, ипотека кредит бериш талабларининг асоссиз равишда бўшаштириб юборилганлиги, молиявий институтларнинг ўз маблағлари ва қарз мажбуриятлари ўртасидаги нисбатларнинг кескин бузилиши, жаҳон иқтисодиёти реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин ўзгариши жаҳон молиявий инқирози келиб чиқишига сабаб бўлган эди.

Дунёнинг бутун иқтисодий тизимида инқироз деб аталмиш таҳдид ҳамон ўз кучини кўрсатмоқда. Унинг забти зўраймоқда. Янги-янги кўринишларда муаммолар келтириб чиқармоқда. Уни жиловлаш ёки ортга чекинтиришнинг имкони топилмаяпти. Аввалига молия ҳамда пул тизимидаги инқироз кўринишида намоён бўлган бу таҳдид бутун бошли иқтисод тизимининг инқирозига йўл очиб берди. Инқирознинг шу кунлардаги шаклу шамойили кўпгина давлатларни қарздорлик ботқоғига ботириб қўяётган «қарздорлик инқирози» кўринишини олди. Греция, Кипр, Португалия, Испания, Исландия каби мамлакатларни шулар сафига киритиш мумкин. Гарчи АҚШ, Япония ва яна бир қатор мамлакатларда заррадай бўлсада, умид пайдо бўлаётганига қарамай Европа мамлакатлари ҳануз мавҳумлик исканжасида қолмоқда. Айниқса, евро пул бирлиги ҳудудидаги 17 мамлакатда ишсизлик даражаси яна ошгани тўғрисидаги хабарлар дунё фонд биржасида салбий акс-садо бераяпти.

Европа Иттифоқи статистика маркази — Евростат маълумотларига кўра, Евро ҳудудда ишсизлик даражаси 12 фоизга етган. Энг юқори кўрсаткич Испания ва Греция ҳиссасига тўғри келади. Бу мамлакатларда бирор бир машғулотга эга бўлмаган одамлар ўртача 24-26 фоизни ташкил этади. Умуман, Евромаконда 18 миллион ишсиз рўйхатга олинган.

Яқин йиллар ичида йирик иқтисодий тизимга эга бўлган давлатлар, жумладан, АҚШ, Япония, Европанинг бир қатор ҳамда дунёнинг бошқа кўпгина мамлакатлари ўзларини молиявий инқироздан олиб чиқиш мақсадида "Конюнктура Пакети" дея аталмиш давлат томонидан иқтисодиётга аралашув механизмини ишлаб чиқишди ва шу орқали сунъий равишда аввало банкрот ёқасида турган молия институтлари, яъни банклар ва бошқа молия ташкилотларига, ундан сўнг эса, иқтисодиётда ва бозорда етакчи бўлган ҳамда савдо биржаларидаги ўз салоҳиятига ҳамда обрўсига эга турли йирик акционерлик компанияларига молиявий тикланишда ёрдам беришни ва шу орқали батамом касодга учратмаслик йўлларини режалаштиришди. Банклар эса бирин-кетин давлат қарамоғига ўта бошлади ёки аниқроғи уларнинг қимматли қоғозларини тўла ёки қисман давлат сотиб олиб, хусусий сектордан яна давлат секторига ўтказиш орқали масалага ечим топа бошладилар. Натижада АҚШ 35 фоиз, Хитой 20, Япония, Европа давлатлари ҳамда дунёдаги бошқа давлатларнинг ҳар қайсиси 15 фоиздан, бутун дунёда конюнктура пакети учун сарф бўлган маблағларнинг улушида иқтисодиётни тиклашга киришдилар. Бу конюнктура учун сарфланган жами маблағлар миқдори дунё иқтисодиётида эришиладиган ялпи даромаднинг 4,7 фоизини ташкил этди. Аммо конюнктура пакетлари давлат бюджети учун фақат харажат бўлиб, бунча сарфланган миқдордаги маблағларнинг фойдалар туфайли қайтими деярли йўқ ёки яқин йилларда эришиладиган нарса эмаслиги аниқ эди. Бу дегани, аслида жами конюнктура учун сарфланган маблағлар эвазига дунё мамлакатлари 4,7 фоиз миқдорида қарздорлик балосини ўз елкаларига ортиб олишди. Бу орқали, қайсидир маънода, кўпчилик давлатлар ўз иқтисодиётини яна қайта тиклашга вақтинчалик ечим топган бўлишса-да, инқироз таҳдидидан ўзларини бутунлай халос қила олишмади. АҚШ, Буюк Британия ёки Япония каби мамлакатларда бюджет тақчиллиги янада ошиши билан бирга давлатнинг юқори қарздорлик ҳолати пайдо бўлди. Инқирозга учраган компаниялар сони ҳамда бунинг натижасида ишсизлик даражасининг ортиши, давлатлар чиқимининг кўпайиб кетиши, экспортнинг камайиши ҳамда тизимда тўлов қобилиятининг касодга учраши, сармоядорларнинг ҳам сармоя (инвестиция) ажратишига катта тўсиқларнинг пайдо бўлиши сабабидан бюджетга солиқлар ва тушумлар йиғиш миқдори камайди. Банклар эса юқори фоизли кредитларнигина таклиф қила бошлади. Банкларга нисбатан ишонч кескин камайди. Натижада молия ташкилотларининг тўлов қобилияти кескин пасайди. Бу борада турли янги усуллар қўлланилди, лекин афсуски ёрдам беришга улгурилмаган банкларнинг тўлов қобилияти батамом касодга учраши натижасида бирин-кетин Греция, Португалия, Испания, Италия ва ҳатто, иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлмиш АҚШ, Япония ва Буюк Британия ҳам ўзларининг тўлов қобилияти йўқолгани ҳамда синиш (банкрот) ҳолатига тушаётганини эълон қила бошлади.

«Давлат қандай қилиб катта миқдорда қарздорлик ҳолатига тушиб қолади?» деган савол ўртага ташланадиган бўлса, бунга жавоб — қайси давлатда ривожланиш жуда паст бўлса, бунинг устига белгиланган фоиз даражалари, яъни пулнинг қадрсизланиш кўрсаткичи ана шу иқтисодий ўсишга нисбатан юқори бўлса, қарздорлик ҳолати келиб чиқади. Худди шу ҳолат Греция, Ирландия, Испания ҳамда бошқа давлатларда жуда юқори даражада сақланиб қолмоқда. Айниқса, Грециянинг бюджет тақчиллиги ўртача 13-14 фоизга, яъни ЕИ таркибига кирувчи давлатлар ичида рекорд даражага етди.

Бир вақтнинг ўзида эса Европа Иттифоқи таркибида бўлган Германия, Голландия ва Австрия каби мамлакатлар жуда юқори иқтисодий тўлов қобилиятига, яъни ўсиш кўрсаткичларига эришишди. Германия экспорт бўйича Хитойдан кейин дунёда иккинчи ўринда, Европада эса етакчи эди. Бундай бир иттифоқнинг ичида турли хил иқтисодий ҳолатларнинг вужудга келиши ўз навбатида иқтисоди жуда суст ривожланаётган давлатларга янада салбий таъсир кўрсатди. Улар бозорда рақобатга бардош бера олмай қолишди. Иқтисодий жиҳатдан тикланиб олган давлатлар эса бунга ҳам қарамай бир вақтнинг ўзида турли ислоҳотларни ҳам амалга ошира боришди. Пул жамғариш, харажатларни қисқартириш бўйича самарали натижаларга эга бўлишди. Иқтисодий самарадорликнинг бундай ўсиши билан бирга меҳнат тўловлари ошмади, балки эски ҳолатида қолди. Бу эса мамлакатда чиқимларнинг бир меъёрда сақлаб турилишига замин яратди.

Юқоридаги синиш ҳолатига тушиб қолган давлатлар эса Европа Иттифоқи қарамоғида бўлсалар-да, давлатларни қутқариб қолиш учун Евро-Бонус аталмиш ёрдам пакетларидан фойдаланишга интилди. Европа Иттифоқининг ушбу "Маршалл режаси" бошқа хусусан, хусусан Германия ва Франция каби йирик давлатлар тўлайдиган узоқ муддатли тўловлар бўлиб, бу ҳам айни сармояга ўхшаш қарздорлик олди-сотди битимидир. Бунга эга бўлиш учун эса давлатлар самарали ички ижтимоий-иқтисодий дастурлар ишлаб чиқишлари шарт ва бу дастурлар ёрдамида тизимда ўзгариш ясашлари талаб этилади. Аммо бу бонуслар фақат давлатни қутқариб қолиш учун вақтинчалик усул бўлибгина қолмай, Европа Иттифоқида жорий этилган ягона пул тизими бўлмиш евро қадр-сизланишининг олдини олиш ва шу орқали Иттифоқ ичкарисидаги нархларнинг ўсиш кўрсаткичларини барқарор сақлаш учун зарурдир.

Айни пайтда Европа миқёсида ҳукуматлар кўрсатаётган аксилинқироз чоралардан оддий аҳолининг норозилик кайфияти ошмоқда. Европада касодга учраётган давлатлар учун иқтисодий тизими анча барқарор давлатлар ўзининг янги солиқ ҳамда бошқа шу каби ислоҳотларни ташкил этганлари ҳолда оддий аҳолининг чўнтаги ҳисобигагина қолоқ иқтисодиётларни тиклашга ёрдам бермоқда. Шу йўл билан бу танглик ҳолатда барҳам бериладими-йўқми, бу ҳам мубҳамлигича қолмоқда.

А.САЙБНАЗАРОВ

Реклама

Молия муассасаларида

КРЕДИТ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

AGROBANK

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Бинобарин, Мустақиллик эълон қилинган дастлабки кунлардан бошлаб, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта имконият яратила бошланди.

Шу боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари юртимиз иқтисодий камолига муносиб тиргак бўла оладиган салоҳиятли кучга айланди. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугун нафақат ички бозорни, балки "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида хориж бозорларини ҳам забт этаётгани ҳар биримизга фахр туйғусини бахш этаётир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш мақсадида Юртбошимиз томонидан чиқарилган қарор ва фармонлардан унумли фойдаланиш орқали ўз бизнесини биринчилардан бўлиб бошлаганлар — андижонлик тадбиркорлар, десак муболаға қилмаган бўламиз. Бу борада уларни банклар молиявий қўллаб-қувватлаб келаётгани таҳсинга сазовор. Андижонлик тадбиркорларнинг энг яқин ҳамкорига айланган молия муассасаларидан бири Агробанкнинг Андижон вилояти бошқармасидир. Мазкур бошқарма ва унинг туманлардаги филиаллари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун 2013 йилнинг 1 июлига қадар 21,8 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Бунинг эвазига жойларда жами 1814 нафар иш ўрни яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, олий ўқув юртлари ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш банкнинг муҳим йўналишларидан бири саналади. Айниқса, ўз бизнес лойиҳаларига эга бўлган битирувчиларнинг истиқболли лойиҳаларини қисқа фурсатда молиялаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазкур вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, ўтган олти ой давомида 622 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағлари айнанан коллеж битирувчиларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди. Ўз навбатида, битирувчилар ташкил этган хусусий корхоналарда қўшимча 153 та иш ўрни ташкил этилгани кишини қувонтиради.

— Жорий йилда тадбиркорлик фаолиятимни бошлаш учун Агробанкнинг Шаҳрихон тумани филиалига тикувчилик цехини ташкил этиш бўйича лойиҳамни топширдим, — дейди Шаҳрихон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Исломжон Отажонов. — Молия муассасаси иш бошлашимиз учун 19 миллион сўм миқдорида кредит ажратди. Ҳозирда корхонада эркак ва аёллар учун турли кийимлар ишлаб чиқарилаяпти. Тенгдошларимдан 5 нафарига доимий иш ўрни яратишга эришдик.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги "Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк мижозларига жорий йилнинг ўтган даврида 522 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар сўнгги пайтларда ўз самарасини кўрсатмоқда. Оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришга йўналтирилган банк кредитлари халқимиз турмуш даражасининг янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Тадбиркорлардан яна бири — Избоскан туманидаги Хожияхон Бахтиёржонова раҳбарлик қилаётган "Янги замон либослари" оилавий корхонасида айни пайтда халқимиз хонадонларига ярашадиган замонавий парда тикиш йўлга қўйилган. Бу тадбиркорга яқинда 15 миллион сўм миқдорида банк кредити ажратилган эди. Олинган маблағ эвазига тадбиркор зарур хом ашё ва материалларни сотиб олди.

Бошқарма хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаш билан бир қаторда деҳқон ҳамда фермер хўжаликларига чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириши учун ҳам кредит маблағлари ажратиб келмоқда. Банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилган лойиҳалар натижасида ҳудудда юқорида санаб ўтилган соҳалар ривожланиб, ишлаб чиқаришнинг салмоғи ошди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида чорвачиликни ривожлантиришга 1,7 миллиард сўм, паррандачиликнинг тараққий топишига 846 миллион сўм, балиқчиликка 124 миллион сўм, асаларичилик соҳасига 84 миллион сўм миқдорида банк кредитларининг ажратилгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Бундан ташқари, интенсив боғдорчиликни ривожлантиришга 583 миллион сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, мазкур банк Андижон вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, қишлоқлар инфратузилмасини юксалтириш, тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, аҳолига замонавий банк хизматларини таклиф этиш орқали андижонликларнинг ишончини қозонишга эришаётир.

Абдуғани СОДИҚОВ

ННТлар фаолиятидан

МЕҲР ТОПГАН "МЕҲРЖОН"

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа фуқаролик институтларининг ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнида ҳал қилувчи омил экани алоҳида таъкидланган. Шу боис, нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, вилоятларнинг олис гўшаларида, қишлоқ ва овулларда ташкил этилаётган ана шундай ташкилотлар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бунга Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида фаолият юритаётган "Меҳржон" аёллар ва болалар маркази мисол бўла олади. Мазкур марказ нодавлат нотижорат ташкилот сифатида 2007 йилда давлат рўйхатидан ўтган эди. Ишни тўғри ташкил эта олгани, мақсади аниқ бўлгани учун 2009 йилда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси аъзолигига қабул қилинди. Асосий йўналиши — аёллар ва болаларга тиббий, ижтимоий, моддий, ҳуқуқий, маданий-маърифий, руҳий ёрдам кўрсатишга қаратилган бу марказда турли мавзуларда семинар-тренинглар, давра суҳбатлари, ахборий сессияларни ўтказиш ҳам мезон ҳисобланади.

Жойларда аҳолининг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида малакасиз хотин-қизларни, ёшларни касб ёки ҳунарга ўргатиш учун турли хил курсларни ташкил этгани эл орасида марказнинг нуфузини оширди. "Меҳржон" нодавлат нотижорат ташкилоти 2008 йилда "Биз ёшлар соғлом турмуш тарафдоримиз", 2009 йилда "Биз одам савдосига қаршимиз", 2010 йилда "Имконияти чекланган аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" каби лойиҳаларига 1000 нафардан зиёд фуқаролар жалб этилиб, уларга зарур маънавий-маърифий ёрдамлар кўрсатилди. Марказнинг "Янги авлод соғлом турмуш тарзини танлайди" лойиҳаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси қошидаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2011 йилда молиялаштирилди. Лойиҳани амалга ошириш даври 2011-2012 йилларни қамраб олди.

— Лойиҳа давомида Қувасой шаҳридаги 28-мактаб ҳамда тумандаги 4 та касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ёшлар учун семинарлар ташкил қилиниб, бу муассасаларда таълим олаётган ўқувчиларнинг тиббий саводхонлигини янада ошириш мақсадида қўшимча дарслар ўтказилди. ОИВ/ОИТС инфекцияси, шахсий гигиена қоидаларига амал қилишнинг йўл-йўриқлари, гиёҳвандлик, жинсий йўллар орқали юқадиган касалликлар ҳақида ёшларга кўпгина маълумотлар берилди, — дейди марказ директори Хуршида Иброҳимова. — 2012 йилда "Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигини оширишнинг асослари" мавзусида семинарлар ташкил қилдик. Лойиҳа давомида жами 10 марта семинар-тренинглар ўтказилиб, уларда 300 дан зиёд ёшлар иштирок этишди. Аҳолини, айниқса, вақтинча ишсиз бўлган хотин-қизларни касбга ўқитиш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун марказ қошида тикувчилик ва пазандачилик тўгараклари фаолиятини йўлга қўйдик. Ушбу тўгаракларда ҳозирга қадар 80 нафардан зиёд қизлар бепул ўқитилди. Шунингдек, мазкур марказ томонидан миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, менталитетимизга ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида туманнинг "Роҳат" номли ёзги оромгоҳида мазкур лойиҳа доирасида "Менинг оилам" мавзусида дебатлар ва расмлар танлови ташкил этилди.

Жорий йилда ҳам мазкур нодавлат нотижорат ташкилотнинг Олий Мажлис қонунчилик палатаси қошидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг грантини қўлга киритгани бу муассасада ишнинг тўғри ташкил этилганидан далолат. Шунингдек, лойиҳага тўланаётган грант маблағларидан самарали фойдаланилаётгани ҳам марказ жамоаси фаолиятига бўлган ишочни ошираяпти. Яқинда молиялаштирилган "Қувасой қишлоқларида яшовчи хотин-қизлар орасида ОИТС/ОИВ ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш" лойиҳаси 8 ойга мўлжалланган. Бу тадбир давомида 40 та семинар ташкил қилинади, 1600 нафар аёлнинг тиббий маданияти оширилишига ҳаракат қилинади. Демак, шунча инсоннинг тиббий билими ошади, фикри соғломлашади. Асосий мақсад ҳам ана шу эмасми, аслида?

Матёқуб НАРЗИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант танловининг «Учинчи сектор ривожи йўлида ҳамфикр, ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

Қўлланма



Маълумки, оммавий сайллар ва байрамларни нишонлаш кўп миллатли Марказий Осиёда шу жумладан, ўзбек халқида ҳам қадимий анъаналардан ҳисобланади. Бундай тадбирларнинг фаол иштирокчиси бўладиган санъаткорлар томонидан саҳнада ижро этиладиган асарларнинг воқеалар ривожига қараб таъсирчанлиги ўзига хосдир. Буни саҳна нутқи ҳам деб аташади.

САҲНА НУТҚИ

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда халқ байрамларида саҳна нутқининг мавқеи ниҳоятда кенгайди, теранлашди ва ғоятда юксалди. Нафақат оммавий томошалар, халқ сайиллари, балки театр санъати ҳам ана шундай бадиий ифода воситаларига бойлиги билан ажралиб туради. Актёрликнинг пойдевори ҳисобланган саҳна нутқи ҳақида гап кетганида, аввало, овозни тарбиялаш, уни созлаш ва йўналтиришдек мураккаб жараён кўз олдимизга келади. Айни пайтда, сўз сеҳрини теран англайдиган, айтмоқчи бўлган фикрларини томошабинга етиб борадиган даражада ифодалайдиган салоҳиятли нотиқларни тайёрлаш учун қатор монографиялар, қўлланмалар нашр этилмоқда.

Тажрибали педагог Адиба Носированинг "Саҳна нутқи" ўқув дарслиги ҳам бугун кўпчилик талабалар ва соҳа мутахассисларининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Мазкур китоб орқали нутқ техникаси, нафас ва овоз устида ишлаш, мақол, маталлар орқали нутқий оҳангдорликка эришиш, монолог, диалог, шеър, масал, рубоий, ғазаллар устида ишлаш натижасида нутқда ифодавийликка эришиш усуллари бўйича тавсиялар берилган. Шунингдек, китобда мазкур мавзуларга доир бадиий матнлар намунаси келтирилган бўлиб, ўқувчининг ҳам назарий, ҳам амалий билим олишига кўмак беради. Китобдаги "Овоз тарбияси", "Нутқ техникаси", "Нафас", "Сўз устида ишлаш", "Монолог устида ишлаш", "Шеър устида ишлаш" каби бўлимлар нафас ва унинг аҳамияти, тез айтишларнинг нутқ ривожланишидаги фойдаси, овоз ҳамда тўғри талаффуз қилишнинг назарий асосларига бағишланган бўлиб, бевосита амалиёт билан уйғунлашади. Шу ўринда муаллиф нафақат ўзбек адабиётининг, балки жаҳон адабиётиниг сара намуналарига мурожаат қилиб, улардан унумли фойдаланганини таъкидлаб ўтиш ўринли. Шунингдек, муаллиф қўлланмани яратишда тажрибали педагог-ижодкорлар фикр ва услубларидан кенг фойдаланган. Бундан ташқари, қўлланмада аксини топган тасвирий қўшиқ, тез айтиш, эртак ва шеърлар ўзининг мазмуни, халқчиллиги билан ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Айнан ана шундай мисоллар ўқувчи-ёшларни саҳна нутқини чуқурроқ эгаллашга, мустақил иш олиб боришга ундаши шубҳасиз.

Ҳожибегим НАРЗИЕВА

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ қувончли ташвишлари

Ишбилармон аёллар портретига чизгилар

(Боши 1-бетда.)

Тадбиркорлар билан ўтказилган барча семинар ва давра суҳбатларида бош мавзу кредит олишга бориб тақалди. Бу жараёндаги энг катта муаммо нимада деб ўйлайсиз, деган саволга аксарият тадбиркорлар «Бир ҳужжатни сўрашади, тўғрилаб борсак, кейин яна бошқа ҳужжатни сўрашади», дея жавоб беришди. Демак, хамма ҳужжатларни бир вақтда олиб борсак, ишимиз тезроқ битар экан-да. Бунинг учун албатта, катта билим ва тажриба керак бўлади. Аёлларнинг ўзлари ҳам (9 фоиз) тажрибалари етишмаслиги кўп вақтларини сарфлашларига сабаб бўлишини таъкидлашган. Ҳамма ҳужжатни биратўла олиб бориш учун эса бу борада етарли маълумотга эга бўлиш зарур.

Таклифимиз кредит олиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар фақатгина банклар сайтида эмас, балки маҳалла идораларида, туман ҳокимликлари қошидаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари биносида, ундан ҳам яхшиси, кўчалардаги баннерларда маълумотлар тариқасида акс эттирилиши лозим.

Нукусда 38 марта кредит олган тадбиркор аёл билан суҳбатлашганимизда, асосий ютуғим — кредит олиш билан боғлиқ қонунчиликни яхши билганим, ҳукуматимиз томонидан банк ва кредит соҳасига оид ҳар бир ҳужжатни синчиклаб ўрганганимда деб биламан, деб жавоб берган эди.

ТАДБИРКОРЛИКНИ БОШЛАШДА МАЪЛУМОТ ЗАРУРМИ ЁКИ ҚОБИЛИЯТ?

Таҳлил натижаларига кўра, аксарият ўрта-махсус маълумотга эга аёллар (62 фоиз) тадбиркорлик фаолияти билан муваффақиятли шуғулланиб келишаётганлигини, бироқ кўп вақтини мутасадди ташкилотлар билан турли рухсатнома ва ҳужжатларни расмийлаштиришга сарфлашаётганлигини маълум қилишган. Олий маълумотга эга тадбиркор аёллар эса (24 фоиз) тадбиркорликни кеч — 45 ёшдан кейин бошлаганликларига қарамасдан муваффақиятли фаолият олиб боришмоқда. Улар асосий вақтларини билим даражаларини оширишга сарфлашларини баён этишган. Ишни муваффақиятли юритишда нафақат қобилият, балки билим зарурлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, тадбиркор аёллар учун маркетинг ва бизнесни бошқарув масалалари, ҳуқуқ каби замонавий билим ва кўникмалар бўйича малака ошириш курслари ташкил этиш лозим.

Мазкур курсларда тадбиркор томонидан тўланадиган солиқ турлари ва муддатлари, шартнома тузиш тартиблари, судга даъво киритиш тартиблари, тадбиркорлик фаолиятига оид амалдаги қонунчилик асослари, кредит олиш тартиблари, маҳсулот экспорти ва импорти шартлари каби муҳим йўналишлардан тортиб, ишбилармонлик муомаласи, хорижий ҳамкорлар билан ишлаш этикети тўғрисида билим берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тадбиркор аёллар даромадларининг энг кўп қисмини (50 фоиз) ўз фаолиятларини ривожлантиришга, ундан кейинги қисмини (19 фоиз) ўз устиларида ишлашга сарфлашлари уларнинг ўз ишига бефарқ эмасликларини намоён этди. Гарчи аёл тадбиркорлар етарлича таълим олган, ақл-заковатли бўлишсада, энг кўп вақтларини оила, уй-рўзғор юмушларига сарфлаши, ўз оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилиши қувонарли ҳол, албатта. Дарҳақиқат, аёл киши биринчи ўринда, аввало она, оила бекасидир.

Айтиш керакки, кейинги йилларда аҳолининг, жумладан хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, касаначилик, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ривожлантириш учун шароитлар яратиш борасида давлат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар анча кенгайди. Айни пайтда Ўзбекистонда 13 миллионга яқин хотин-қиз истиқомат қилади. Улардан 60 фоизи қишлоқда яшайди ва меҳнатга лаёқатли хотин-қизларнинг қарийб 5 фоизи иш билан банд. Бугунги кунда мамлакатдаги 64 минг тадбиркордан 20 фоиздан ортиғини хотин-қизлар ташкил қилади. Кичик ва ўрта корхоналарга мансуб 8 мингта хўжалик субъектини хотин-қизлар бошқармоқда.

Айтмоқчимизки, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинганлиги аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу айниқса, аёлларнинг аксарияти (31 фоиз) тадбиркорлик соҳасида 5 йилгача, 36 фоиз аёллар эса 10 йилдан кўп муддат давомида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганлигида акс этиб турибди. Мазкур имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, ўз билим ва тажрибамизни юртимиз равнақи, фарзандларимиз келажаги учун сарфлаш биз аёлларнинг асосий мақсадимиздир.

Аёлларнинг уйларидан чиқмасдан, фарзандлари, оила аъзолари қуршовида тадбиркорлик қила олиш имкониятлари Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунида ўз ифодасини топган, десак адашмаймиз. Ишлаётган аёл ва уй бекаси бажараётган ишлар таққосланганда, ишлаётган аёл уй юмушларини уйда ўтирган аёлга нисбатан икки баравар тез бажарар экан. Ишлаётган аёл бир кунлик уй юмушларини эрталаб ишга кетгунча ёки кечки пайт ишдан келгандан кейин бажариб қўяди. Шу билан бирга бир ҳафталик юмушни дам олиш кунлари бажариб қўйган аёллар душанба куни ишга келиб «Яхши ҳам иш бор-а», деб қўядилар.

Аёлларимизнинг «Тадбиркорлик фаолиятини танлаганимдан фахрланаман, тадбиркорлигим туфайли жамиятда ўз ўрнимга эга бўлдим, атрофимдагиларга маслаҳат бериш даражасига эришдим, тадбиркорлик туфайли рўзғоримни юритаяпман, фарзандларимни ўқитаяпман, тўй қилаяпман», дея жавоб беришганлиги уларнинг ўз ишларини ғоятда севишларини яна бир бор тасдиқлади.

Дилфуза АБУЛҲАСАН,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси эксперти

Кечмиш

Яқинда дўстларим Беҳзод ва Шерзод билан улар туғилиб ўсган Чортоқ туманининг Алихон деган қишлоғида бўлдик. Қишлоқ одамлари гўё Шукур Холмирзаевнинг "Ўзбек характери" ҳикоясидаги Ботир чўпон ва унинг хотинига ўхшаш: меҳмонга борсанг, дастурхонга борини тўкади, феъллари содда, самимий. Сафаримизнинг иккинчи куни биз тушган хонадон – Ўрмонжон аканинг уйига Беҳзод ва Шерзоднинг амакилари Зокир деган бир одам келди. Журналистлигимни билиб, мени гапга тутди. Аввал у ёқ-бу ёқдан гаплашдик. Ичида дарди кўп экан, ахийри ёрилди.

"ОНА ТИЛИМДА АРИЗА ЁЗСАМ..."

1967 йил. Қобуловлар оиласи катта эди: ўн уч фарзанд. Уларнинг моддий эҳтиёжини таъминлаш учун эндигина ўн олти ёшга кирган ўспирин пахта заводига ишга боради. Аризани русча ёздирмоқчи бўлишади. Ёзолмайди. Уч марта уринади. Барибир бўлмайди. Сўнг йигитча ўксиб-ўксиб йиғлайди. Охири бировга илтимос қилиб ёздиради. Ниҳоят ишлай бошлайди...

Зокир акани эшитарканман, Жек Лондоннинг "Исёнчи" ҳикоясидаги бош қаҳрамон эсимга тушади. У ҳам оиласини боқиш учун ёшлигидан заводга ишга жойлашади. Тонгдан то тун қоронғусигача ишлайди. Оқибатда нимжон ва заиф бўлиб улғаяди.

Зокиржон ака бир неча йил ишлагач, тўқимачилик техникумига ўқишга киради. Ўқишни битиргач, бояги ҳолга такрор дуч келади: тағин русча ариза... Бу гал ҳам у бировга илтимос қилади. Шунда у ичида ўйлайди: "Қачон ўз она тилимда ариза ёзаркинман!" Бироқ бу ўшанда хом хаёл эди. Орадан йиллар ўтди. Зокиржоннинг акаси оламдан ўтиб қолади. Унга акасининг жанозасига боришга рухсат бермайдилар. Шунда у отасининг маслаҳати билан ишдан кетади. Мадамин бободан темирчиликнинг сир-асрорларини ўргана бошлайди. Қисқа муддатда ота касбни ўрганиб олади. Унинг бундан кейинги ҳаёти шу касб билан боғланади.

...1989 йилнинг 21 октябри бошқа юртдошларимиз сингари Зокир ака учун ҳам катта байрам бўлди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Ўша дамда унинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмасди: кўзда ёш, киприкда ёш, юзда ёш. Истиқлолдан сўнг пулимизда ўзбекча ёзувлар пайдо бўлгач, сўмни кўзларига суртиб-суртиб суюнди. Ўн олти ёшидан ишга боргани учун Зокир ака 2001 йил пенсияга чиқди. Бугун у 62 ёшни қаршилаш арафасида, Дилором опа билан турмуш қурганига қирқ йил тўлди. Тўрт фарзандни тарбиялаб вояга етказяпти.

У ниҳоят, пенсия ёшига етганида барча ҳужжатларни ўз она тилида меҳр ва қониқиш билан ёзди.

Фозил ЖАББОРОВ

Саҳнада замон қаҳрамони

ТОМОШАБИН ХОҲЛАГАННИ КЎРАДИ

Инсоният гарчи XXI асрга қадам қўйиб, тараққиётнинг юксак чўққиларини забт этган бўлишига қарамасдан, турли муаммолар гирдобига дучор бўлаётир. Шулардан бири эркаклар, аёллар ва болалар меҳнатидан фойдаланиш учун уларни қулликка солаётган одам савдоси ҳисобланади.

Айтиш керакки, Ўзбекистон 2003 йил 12 декабрда БМТнинг «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш" тўғрисидаги конвенциясига қўшилди. 2008 йил 17 апрелда эса Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Мамлакатимизда ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли одам савдосига ишончли ғов қўйилди. Алдов йўли билан сотиб юборилган инсонларни чет элдан олиб келиб, уларни тўлақонли ҳаётга қайтариш учун реабилитация маркази ташкил этилди. Жамоат ташкилотлари томонидан аҳоли ўртасида семинар-тренинглар ўтказилмоқда, шунингдек, матбуотда мақолалар, телекўрсатувлар намойиш этилмоқда. Одам савдосининг қабиҳ иллатлиги фош этилган ҳужжатли ва бадиий фильмлар тайёрланиб, бутун халқимиз огоҳликка даъват этилмоқда.

Таниқли драматург Рихсивой Муҳаммаджоновнинг "Ойдин" номли драмаси мавзуси ҳам одам савдосига қарши курашишга бағишланган. Асар марказида тележурналист Ойдиннинг ижтимоий ва оилавий ҳаёти туради. Муаллиф унинг бошига тушган мусибат орқали виждон ва бурч, севги ва вафо каби умуминсоний фазилатларни тараннум этади. Спектаклда бир-бирига мутлақо зид, турфа характерлар яратилиб, айрим замондошларимизнинг маънавий қиёфалари очиб берилади. Қувонарли томони шундаки, асар бир вақтнинг ўзида республикамиздаги бир нечта театр ижодкорлари томонидан саҳнага олиб чиқилди. Ҳар бир театр жамоаси ўз имкониятидан келиб чиқиб, асарга турлича ёндашган ҳолда ўз талқинини яратди. Битта асарнинг олтита саҳнавий талқини театр жамоалари ўртасида чинакам ижодий рақобатни юзага келтирди, десак хато қилмаймиз. Қолаверса, бундай ижодий рақобат янги истеъдодларни, рассом ва режиссёрларни кашф этди. Ҳар қандай яхши асар ижодкорга маънавий озуқа бериб, унинг нималарга қодир эканини, қолаверса, ижод палитрасининг рангбаранглигини намойиш этувчи кўзгу бўлди. Шу маънода "Ойдин" драмаси бугунги кун қаҳрамони, маънавий баркамол шахс қандай инсон бўлиши кераклигини кўрсатган асар сифатида ижодкорларга илҳом бахш этди, десак муболаға бўлмас.

Ойдин ишга масъулият билан ёндашади, виждонига қарши бормайди, бурчига хиёнат қилмайди. Севикли ёри Самандарнинг бир нечта қизларни чет элга сотиб юборганлигидан хабар топгач, уни ўзи тайёрлаётган одам савдосига бағишланган кўрсатувда уюшган жиноятчиликнинг аъзоси сифатида интервью беришга мажбур қилади. Ойдин ҳаётидаги ана шу драматик ҳолат актёр ва режиссёрларнинг маҳоратларини кўрсатишлари учун имконият яратиб берди.

О. Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёрлари

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси "Ойдин" драмаси асосида яратилган 6 та спектаклдан иккитасини «Сени куйлаймиз, замондош — 2014» кўрик-танловида иштирок этишга тавсия этди. Натижа эса ниҳоятда қизиқарли бўлди. Ҳайъат аъзолари дастлаб Ўзбек миллий академик драма театри бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров саҳналаштирган "Ойдин" драмасини томоша қилишди. Фестивалнинг учинчи кунида ушбу асар Ўзбек миллий академик драма театри бош рассоми, Ўзбекистон санъат арбоби Бахтиёр Тўраев режиссёрлигида саҳналаштирилган "Аёл қадри" номи билан О.Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри ижодкорлари томонидан намойиш этилди. Уларни баҳолаш ҳайъат аъзолари учун ҳам осон бўлмади. Баҳс ва мунозаралар асосида танловдаги биринчи ўрин иккига бўлинди. Бинобарин, Ўзбек миллий академик драма театри жамоаси билан ижодий рақобатга киришган Сирдарё вилоят мусиқали драма театри жамоаси ҳам бўш келмади.

"Ойдин" спектакли бизда режиссура сезиларли даражада камол топаётганлигини яққол намоён этди. Валижон Умаров асарни саҳналаштиришда профессионал актёрлар билан телевизион услубни қўллаб, яъни саҳнага экранни олиб чиқиб, ўзига хос янгилик яратмоқчи бўлди. Назаримизда, режиссёр воқеа ва ҳодисаларни телевизион ифода воситалари билан бойитишга ҳаракат қилиб, томошабинни жонли ижродан ҳузурланиш имкониятини чеклаб қўйди.

Ўзбек миллий академик драма театри актёрлари

Ваҳоланки, ҳар қандай услуб санъат асарини бойитиш, тўлдириш, унинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилиши лозим. Аксинча, режиссёр ташқи ҳолатга аҳамият бериб, асосий мақсадни очиб беролмаса, актёрлар яратган образлар тўлақонли чиқмаслиги табиий. Театр санъати томошабинни ҳамиша жонли ижро билан ўзига ром этиб келган.

В.Умаров актёрлар танлашда ҳам уларнинг маҳоратига ишониб, истеъдодли актёр ҳар қандай ролни қойил қилади, деган фикр асосида иш тутган. Аммо театрнинг катта имкониятларидан келиб чиқиб, танлаган актёрларининг маҳоратидан ташқари ички руҳиятини ҳисобга олмаган. Масалан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Маҳмудова табиатан юмшоқ, кенг мушоҳадали аёл бўлганлиги учун у пул ва бойлик йўлида ҳар қандай разилликдан қайтмайдиган Хуршида образини ишонарли чиқаролди, деб айтолмаймиз. Актёр шахси билан яратилаётган образ уйғунлиги бўлмаса, образ ҳаётий чиқмайди. Ҳолбуки, ҳар қандай санъат асарининг бош мезони ҳаётийлиқдир. Режиссёр Ойдин образини ижро этган актриса Зилолага қаҳрамон характер мантиғига зид топшириқларни беради. У адашган қизлардан Самандарнинг ташқи кўриниши, ҳатто исмини эшитиб, жунбушга келади. Ишонмасдан телефондаги суратни кўрсатиб, тасдиғини олади ва тушкунликка тушиб икки ўт ўртасида ёнади. Аммо актрисанинг ички кечинмалар туғёнида қолиб изтиробга тушаётган ҳолатида норасида Маҳлиёнинг хонага кириб қолиб, Нодиранинг алла айтиш саҳнаси томошабинни чалғитади.

Шу ўринда Бахтиёр Тўраев ҳам рассом, ҳам режиссёр сифатида маданият коллежида таҳсил олиб, театрда ижод қилаётган ёш актёрлар билан айнан ушбу асарни саҳналаштиришда ортиқча ифода воситаларига эътибор бермасдан ўз мақсадига эриша олган. У спектаклдаги образларга тенгдош актёрларни танлаб, уларга тўғри йўналиш бера олганлиги туфайли асар юқори бадиийлик касб этган.

Саҳнада содир бўлаётган воқеалар томошабинни ўзига тортиб, алданган қизлар фожиалари, Ойдиннинг эри Самандар билан қўшмачи Хуршиданинг қилмишлари фош этилади. Ойдин ролини ижро этган актриса Дилором Мирсолиеванинг изтироблари, ҳар қандай ҳолатда ҳам покликни сақлаб қолиш ўзгаларни огоҳликка чақираётган аёл ноласи беихтиёр кишининг кўзига ёш келтиради. Унинг эри — актёр Шерзод Каттабобоев келишган, чиройли йигит, усти ялтироқ ичи қалтироқ. Пул ва бойликка муккасидан кетган. У кейинчалик қилган хатоларини тушуниб етади. Аммо энди кеч. Актёр ўз образининг ички ва ташқи ҳолатларини маҳорат билан очиб беради. Образнинг турланиш ҳолатлари ниҳоятда ишонарли талқин этилгани боис, бу қаҳрамон томошабиннинг нафратига учрайди.

Самандарни қабиҳ йўлга бошлаган, унинг балойи нафсига жарақ-жарақ пул ташлаган Хуршида — (актриса Раъно Юнусова) ўта маккор аёл. У ўзи қилаётган ишнинг нобоплигини, қўшмачилик гуноҳ эканлигини яхши биларди. Аммо пул, бойлик йўлида ҳеч қандай қабиҳликдан тоймайди. У гоҳ бечора, гоҳ тадбиркор, гоҳида эса қўли очиқ, мард аёлга ўхшаб тусланади. Чарос образида намоён бўлган актриса Насиба Бектўраева кўринишидан жуссаси кичкинагина, лекин унинг юрагига олам сиғади. Оламнинг дарду хасрати унинг қалбида. Илк муҳаббати топталган, номуси, қолаверса қадри булғанган қизнинг нолалари томошабинни бефарқ қолдирмайди. Уни шу қўйга солиб қўйган одамларга нисбатан нафратини уйғотади. Айниқса, мактаб ўқувчиси Х.Абдусаломова ижросидаги қизча — Маҳлиё образи спектаклнинг энг ҳаётий саҳналаридан ҳисобланади. Маҳлиёнинг кириб келиши саҳнага янги ҳаёт олиб келади. Спектаклнинг муваффақиятли жиҳатларидан бири шундаки, актёрлар саҳнада роль ўйнамайди, балки яшайди. Зеро, саҳна санъатининг талаби шундан иборат. Актёр саҳнада яшадими, томошабин унга ишонади. Ёлғон ҳаракат қилдими, унга ҳеч ким ишонмайди.

Рихсивой Муҳаммаджоновнинг "Ойдин" драмаси асосида яратилган барча спектакллар бугунги кунда одам савдоси билан кундан кунга бойиб бораётган маънавий қашшоқ кимсаларнинг найрангларини фош қилишга қаратилганлиги ва энг муҳими ҳар бир томошабинни огоҳлик сари етаклаётганлиги юртимизда одам савдосига қарши кураш сиёсатининг амалдаги ижроси сифатида қадрлидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз иккита спектаклнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида мушоҳада юритиб, бугунги ўзбек театр санъатининг жонли ҳаёт кечираётганлиги ва ўз вазифасини тўла адо этаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Энг муҳими, вилоят театрининг республиканинг отахон театри савияси даражасида имкониятлари борлиги, фақат уни юксак режиссура туфайли кўтариш мумкин эканлигини ҳам эътироф этишимиз жоиз.

Марат АСАДУЛЛАЕВ,
тележурналист

Китобингиз муборак бўлсин

СЎЗ АХТАРИБ ЯШАШ СУРУРИ

Абдусаид Кўчимов кўплаб ҳикоялари, қиссалари ва шеърий асарлари билан адабиётимизда ўзининг ўрнини топган серқирра ва сермаҳсул ижодкор.



Муаллифнинг яқинда мухлислар қўлига етиб борган "Қор" ("Сангзор" нашриёти, 2013 йил) номли китоби "Йўллар" деган шеър билан бошланади:

Етиб бўлмас бу йўлларнинг саноғига,
Етиб бўлмас, етолмайсан адоғига.
Қордай ёғиб, қордай эриб, сингиб борар
Умрим маним шу йўлларнинг қучоғида.
Равон йўллар, эгри-бугри, олис, яқин,
Осмонида гоҳо яшин, гоҳо чақин.
Бир қарасанг, якка-ёлғиз, бир қарасанг
Бўзтўрғайдай бўзлаб ётган бахши, оқин.

Гарчи шоир шеърда содда ва тушунарли тилда бизга турфа йўллар ҳақида тушунча бераётган бўлса-да, аммо аслида у шунчаки йўл эмас, балки инсоннинг умри, ҳаётининг чигал ва машаққатли йўлидир. Ҳеч шубҳасиз, инсоннинг умри ҳам бамисоли йўл, бир қарасанг равон, бир қарасанг эгри-бугри. Кимки бу йўлларда адашмай, йиқилиб-суриниб бўлса-да, ўзи кўзлаган мақсад сари матонат билан интилиб борса, демак кўзлаган манзилига етиб боради.

Китоб саккиз туркум шеърлардан иборат. "Йўл бошида" дейилмиш биринчи туркумдаги "Отамнинг мактуби" шеърига эътиборингизни қаратамиз:

Ахир шеърбоп гаплар озми қишлоқда?
Ёзгин ўзимизнинг Ургут тоғини.
Анҳор бўйидаги яшил ўтлоқда
Қўзилар қувлашиб юрган чоғини.
Ким ҳақда ёзсанг ҳам ёзгин-у, майли,
Фақат ҳар сатрингда эҳтирос бўлсин.
Сенинг ҳаяжонинг — шеъринг туфайли
Юраклар шодлигу қувончга тўлсин.

Китобни варақлар экансиз, шоир ҳар бир шеърида содда ва талабчан отасининг оддий ва адолатли талабларига амал қилиш, падар юзини ерга қаратмаслик учун тинмай интилаётганини ҳис қиласиз.

Маълумки, киндик қони томган, илгаридан ота-боболари яшаб ўтган макон инсоннинг Ватанидир. Башар зурриётига ота билан онани, Ватанни танлаш имконияти берилмаган. Аксинча, унинг бир парча вужуди ўзи кўз очган маконнинг суви, тупроғи, тафти ва зиёси билан уйғун, муштарак. Мана шу узвийлик одамнинг улғайиб бориши асосида унинг қалбида эл-юртга меҳр, Ватанга фидойилик туйғуларини уйғотса, ажаб эмас.

Денгизим йўқ, деб денгизга бордим,
Шўр сув уч-тўрт кунда тегди жонимга.
"Уйга кетмаймизми?..." аста ёлвордим
Жуфти ҳалолимга — меҳрибонимга.
"Ўзимизнинг кўча, ўзимизнинг уй
Жуда бошқача-да ..." хўрсинди ёрим.
Қалбимни титратди ҳаяжонли ўй.
Ловуллаб кўринди қизғалдоқзорим.

Умуман олганда, бу мавзу, яъни Ватан соғинчи деярли ҳамма шоирларда учрайди. Кимнингки бошига мусофирлик тушиб, ўзга юртларда юрган борки, муқаррар Ватанни соғинади. Ватан соғинчи шундай туйғуки, ўзга юртнинг жилвакорлигию, кўрсатилаётган беҳисоб илтифоту эҳтиромлар бу соғинч олдида ҳеч нарса эмас.

Шоирнинг "Шайтонда..." шеъри ҳам Ватан мавзусини улуғлайди:

Қуртдир, қумурсқадир, жондир, жонзотдир,
Ватан дер, Ватансиз дўзахдир гулшан.
Фақат бундай туйғу шайтонга ётдир,
Фақат шайтонларда бўлмайди Ватан.

Дарҳақиқат, наинки одам боласи ҳатто қурту қумурсқа ҳам, қўйингки, барча жонзотлар ўзи туғилган маконга садоқат кўрсатади. Шайтон учун эса бундай туйғу ёт. У жаннатдан қувилганидан кейин иродаси бўш, иймон — эътиқоди суст, дину диёнатсиз, хиёнаткор ва бефарқ кимсаларнинг моғорлаган кўкрагини ўзига бошпана тутган. Ҳа, қаердаки пасткашлик, меҳр-оқибатсизлик, уруш-жанжал бор экан, ўша жойга "беватан" шайтон уя қуради.

Инсон зуваласи турли-туман зиддият ва курашлар қоришмасидан иборат. Инсонда фикрлаш, оқни қорадан фарқлаш, меҳнат қилиш, огоҳлик, илму ҳунар эгаллаш, ўзлигини англаш, уюшиш, бирлашиш, ғалабага эришиш қудрати мавжуд. Шоирнинг "Ҳайрат" шеърини ҳис-ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди.

Ҳаддан ошар ҳайратинг
Кирма қай бир овулга.
Юртдошларим ғайрати
Ўхшар мисли довулга.

Китобнинг яна бир туркуми "Муҳаббатсиз яшашим қийин" деб номланган. Таъбир жоиз бўлса, ундан ўрин олган шеърлар қатига "меҳр", "муҳаббат", "ишқ", "севги" деган туйғулар сингдириб юборилган. Бинобарин, муҳаббатнинг кучи шунчаликки, у билан қуролланган киши ҳаётнинг ҳар қандай синов ва чигалликларига дош бера олади. Тоғдай сабр-бардоши билан, қаноати билан умр зарварақларини безайди. Бундай инсонларда "вафо", "садоқат" тушунчалари "севги"нинг чинакам қайроқтошига айланади. Шоирнинг «Рафиқамга» шеърида ушбу сатрларни ўқиймиз:

Муҳаббат борлигин, меҳр борлигин,
Меҳру муҳаббатнинг барқарорлигин,
Меҳрибон дилларнинг бахтга ёрлигин,
Кўрдингми десалар, қўпириб қоним
Сени кўрсатардим, азизим, жоним.

Дарҳақиқат, вафо ҳамда садоқатнинг қудрати кундалик ҳаётда, турмушда оила пойдеворининг мўрт ё мустаҳкамлигида бошқалар кўзига яққол ташланади. Минг шукурки, элдошларимиз орасида вафо ва садоқатда барчага ибрат бўла оладиган, жаҳон аҳли ҳавас қилса арзийдиган ували-жували, пири-бадавлат оилалар кўп. Мазкур туркумга кирган "Рашк", "Мени тушун", "Қувлашмачоқ", "Сиз ҳаммадан чиройлироқсиз" каби битиклар ҳам севги изтироблари, қувончларининг бетакрор мадҳи сифатида мухлислар хотирасида узоқ қолишига аминмиз.

Сайланмадаги туркумларнинг яна бири "Ҳар доим яхши сўз ахтариб яша" деб номланади. "Уммонлар қудрати сув томчисида" деган хикматга амал қилиб, ушбу туркумдаги "Чарху фалак" шеъридан ўқиймиз:

Кимсалар бор, Ватаним деб,
Ўзин урар ўту чўққа.
Кўкрагини турар кериб,
Ватан томон учган ўққа.

Шоир истеъдоди ҳамма кўриб турсада, аммо бошқалар пайқамаган жиҳатларни ўзига хос тарзда акс эттиришида намоён бўлади. Абдусаид Кўчимов кўп шеърларида оддий манзара ёки ҳодисалардан одамни ҳушёр торттирадиган, яшашнинг маъно-мазмуни тўғрисида ўйлашга ундайдиган хулосалар чиқаради. "Қиёфасиз кимса", "Ёзғувчи", "Хушомадхўр", "Дўсту ғаним", "Насиҳатбозлик", "Шукур чол қиссаси" сингари шеърлар фикримизга исбот бўлади. Мазкур битикларда одамдаги нуқсонлар шунчаки айтилмайди, балки иллатлар орқали кўнгил кирларини тозалашга, аччиқ ҳақиқатни айтиб, мудроқ руҳни уйғотишга ва инсонни янада мукаррам кўришга ундалади. Ҳаётнинг мураккаблиги, дардчил оламнинг зиддиятларга тўлиб-тошиб ётгани шоир шеърларида ишонарли ва таъсирли акс этади:

Ёвлашавер ёв билан,
Довлашавер дов билан.
Чўчима сур, олчоқдан,
Қўрқоқдан қўрқ,
Қўрқоқдан....

Сайланманинг "Дунё кезиб...", "Жаннатмакон отамнинг ўгитлари", "Марварид зарралари", "Қор" деб номланган туркумларидаги шеърлар ҳам маъно-мазмуни ва бадиий жозибаси билан ўқувчида илиқ таассурот қолдиришига ишончимиз комил.

Умуман, ушбу тўпламдаги шеърлар ҳақида кўп гапириш, баҳслашиш мумкин. Зотан, ҳар бир ижодкорнинг янги китоби бамисоли авжи гуллаб ётган боққа, китобхон эса гулзорга шўнғиган синчков боларига ўхшайди. Қайси гулдан қандай бол йиғиш эса китобхоннинг ўзига — диди ва тафаккурига боғлиқ. Абдусаид Кўчимовнинг бу муҳташам боғи узоқ йиллик машаққатли меҳнати — безовта ва беором руҳи маҳсулидир. Сизларга эса азиз шеърият ихлосмандлари, шоирнинг хушманзара боғига киринг, ундаги инжа гўзалликлардан баҳра олинг, дегимиз келади.

Хушбоқ РАҲИМОВ,
фалсафа фанлари номзоди
Тоштемир ТУРДИЕВ,
филология фанлари номзоди

Ватан учун яшайлик

Жаҳонгашта

Жаҳоннинг буюк алломалари, олим ва давлат арбобларининг Бобур шахси ва унинг инсоният тарихида тутган ўрни борасида холислик билан берган баҳолари, уларнинг дил эътирофларини кўплаб келтириш мумкин. Мулоқотимиз чоғида Зокиржон Машрабов Бобур шахсининг бизга номаълум бўлган бошқа қирралари ҳақида ҳам гап очди.

— Шоҳ Бобурнинг ўн икки минг аскар билан Иброҳим Лўдийнинг 200 минг кишилик лашкари устидан ғалаба қозониши ёки азиз фарзанди Ҳумоюнга ўз жонини садқа қилишини эслайлик, — деди у. — Буларнинг барчасида, менингча, қандайдир илоҳийлик бор. Шундоқ экан, бу мумтоз шахсни илми-ғайб ҳикматларисиз тавсифлаш қийин.

Дарҳақиқат, Бобур ҳаётида тилсим воқеалар кўп бўлган. У салтанат жиловини илк бор қўлга олган кезларни бир хотирлайлик. Фарғона вилояти икки тарафлама хавф остида қолиб, Самарқанддан Султон Аҳмад Мирзо Андижонга, Тошкентдан Султон Маҳмудхон Ахсикентга яқинлашиб кела бошлаган эди. Бобур Мирзо ва унга содиқ бекларнинг аҳволи ғоят мушкул эди. Не бахтки, Оллоҳ уларнинг ишини ўнглайди — ҳар икки тарафдаги душман ҳам не бир сабаблар ила ортига қайтади. "Тенгри таолоким, ўз қудрати комиласи билан ҳар ишимни ҳар маҳалда андоққим бояду шояд беминнат махлуқ рост келтурубдир, мунда ҳам неча ишни боис қилдиким, алар бу келмакдан ўсондилар, балки бу таважжуҳдин бемурод ёндилар", деб ёзади Бобур бу воқеани хотирлаб. Воқеа шундай содир бўлган эди, яъни душманларнинг не бир сабаблар ила Андижондан чекиниши ҳозирги Қува туманининг Толмозор қишлоғидан оқиб ўтадиган Қорасув устидаги кўприкда юз беради. Мўр-малахдай бостириб келаётган лашкар кўприк устида тирбанд бўлиб қолади. Ур-йиқит тўполонда кўприк қулаб тушади ва Султон Аҳмаднинг кўплаб одамлари ҳалок бўлади. Ғаним кўрқиб ортига чекинади. Бу ҳодисани, эҳтимол, тасодифга ҳам йўйиш мумкиндир, аммо бу синоат замирида ғойибона бир маъно борлиги шубҳасиз. Бобур Мирзо Оллоҳ карамига сазовор хосиятли шахс эди. Муттасил қирпичоқ бўлиб турган бошқа темурийзодалардан фарқли ўлароқ Бобур Мирзонинг сиёсати кунба-кун тараққий топа бориши, ўзгалар қон ва жон эвазига мушарраф бўла олмаган ғалабаларга нисбатан тез ва осон сазовор бўлиши чиндан ҳам унинг камоли илоҳий қудратга боғлиқ бўлганлигидан далолат беради? Эътиборимизни яна бир ҳодисага қаратсак. Ҳижрий тўққиз юз саккизинчи йил, қаҳратон қиш, совуқ, зимистон кунларнинг бирида Бобур Мирзо яна бир тилсимли туш кўрди. Ўшанда Бобур Мирзонинг ишлари тараққиётдан таназзулга юз тутган пайтлари эди. Самарқанддан қувилиб, Андижондан айрилиб саргардон юрган пайтларида унинг аҳволи бисёр паришон бўлган. Ўз ҳолатини ўзи таърифлаганидек, вилоят йўқ, вилоят умидворлиги йўқ, навкар пароканда... Ана шундай маъюс, қутсиз, таҳликали кунларнинг бирида у Карнон деган бир масканда ёғий қўлида қуршовда қолади. Уни не вақтга қадар изма-из таъқиб этиб келган ғаним навкарлари макр-ҳийла ила қўлга туширмоққа тиришадилар. Бобур Мирзо ёлғиз ўзи, қуролсиз, яроғсиз — имконсизлик комида қолиб, энг сўнгги чорага аҳд қилади: "Муни дегач, манга ғариб ҳолате бўлди. Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш. Мен дедимким, ростлиғини айт. Агар иш ўзгачароқ бўлғусидир, худ вузу қилай. Юсуф онтлар ичти, вале онинг онтига ким инонадур. Ўзимда бетоқатлиғе фаҳм қилдим. Кўптим, боғ гўшасига бордим. Ўзим била андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, агар минг яшаса, охир ўлмак керак...

Ўзимни ўлимга қарор бердим, — дея қайғули қиссасини давом эттиради Бобур Мирзо. — Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим. Икки ракат намоз ўқидим, бошимни муножотқа қўйиб, тилак тилайдур эдимким, кўзим уйқуға борибтур. Кўрадурменким, Хожа Яқуб Хожа Яҳёнинг ўғли — ҳазрати Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимга аблақ от миниб, кўп жамоати аблақ суворий билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларга истионат тегуриб, подшоҳлиқ маснадига ўлтирғузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарга келтуриб ёд этади, биз онда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг".

"Ўшал ҳолда хушҳол бўлиб уйғондимким, — дея ҳикоя қилади Бобур Мирзо, — Юсуф доруға ва ҳамроҳлари бирбирларига маслаҳат қиладурларким, баҳона қилиб ҳаял қиладур, тутуб боғламоқ керак.

Бу сўзни эшитиб мен дедимким, сизлар бу йўсунда сўзлашурсиз, қайсингиз менинг қошимға кела олурсиз?.. Ушбу сўзнинг устида эдимким, боғнинг деворидин ташқари қалин отлиқ овози келди. Юсуф доруға дедиким, биз агар сизни олиб Танбал қошига борсак эди, бизнинг ишимиз илгари борур эди. Ҳоло яна кўб киши йиборибтур. Ул яқин қилдиким, бу овоз Танбалнинг кишиларининг отини овози бўлғай. Бу сўзни эшитгач, менга изтироб кўпроғ бўлиб, қилур ишимни билмадим..."

Бу сўзларни ўқиган ҳар кимсанинг юраги таҳликали, ҳаяжонли туйғулардан энтикмай иложи йўқ. Бу сониялар авж нуқтага кўтарилганда, интизорлик ила кўз тутганимиз мўъжиза содир бўлади: "Ўшал ҳолда бу отлиқлар боғнинг эшигини топарға фурсат қилмай, деворнинг эски бўлғон еридан раҳна қилиб кирдилар. Кўрсамким, Қутлуқ Муҳаммад барлос ва Бобои Парғарийким, менинг жон тортқон навкарларим, ўн-ўн беш, йигирма киши бўлғой, етиб келдилар. Булар ёвуқ келиб, оттин ўзларини ташлаб, йироғдин юкиниб, таъзим қилиб менинг оёғимга йиқилдилар. Ўшал ҳолда манга андоғ ҳол бўлдиким, гўё манга янги бошдан Худой жон берди. Мен дедимким, ул Юсуф доруғани, бу турғон мазкур мардакларни тутуб боғланг. Ўша мардаклар қоча бериб эдиким, бу ерда бировини тутуб боғлаб келтурдилар..."

Энди тилсим ичидаги тилсимга эътибор қилинг:

"Мен дедимким, сизлар қайдин келасиз?

Қутлуғ Муҳаммад барлос дедиким, Ахсидин қочиб чиқғонда сиздин айрила тушганда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Мен туш кўрдумким, Хожа Убайдулла дедиларким(!), Бобур подшоҳ Карнон деган кенттадур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлиқ маснади анга тааллуқ бўлубтур. Мен бу тушни кўриб, хушҳол бўлуб, улуғ хон, кичик хонға арз қилдум, хонларга дедимким, менинг бешолти ини-ўғлум бор, яна бир неча йигит қўшунгиз. Карнон тарафидин бориб хабар олайин. Хонлар дедиларким, бизнинг ҳам хотиримизга етадурким, ўшал йўлға борғон бўлғай. Ўн киши тайин қилдилар... Бобои Парғарий дедиким, мен ҳам бориб истармен, ул ҳам икки йигит иниси билан иттифоқ қилиб отландук. Бу кун уч кундурким, йўл келамиз. Алҳамдулиллоҳ, сизни топдук..."



Ростлиги туфайли тоабад боқийликка сазовор Бобур қалами битган ушбу сўзларга ишонмаслик мумкинмас. Келинг, инсон руҳиятида содир бўлгувчи бундай ҳодисотлар сирини шарҳлаб, тилсимини ечиб беришга беҳуда уринмай, бу борадаги тадқиқотни келажак илму фани олдига вазифа қилиб қўяйлик-да, суҳбатимизни давом эттирайлик.

— Ана шундай ноёб хислат ва илоҳий иқтидор соҳиби бўлган буюк бобомизнинг табаррук қадамжоларини тавоф қилмаслик, унинг босиб ўтган изларини кўзга тутиё қилмаслик мумкинми!.. — Зокиржон ака дафъатан жўшиб деди. Шу асно мен ундан биринчи илмий сафар қандай ташкил этилганлиги борасида гапириб беришини сўрадим.

— Юрагимга, фикру зикримга Бобур сиймоси ўрнаша бошлагани сари бир пайтлар фақат орзу бўлиб туюлган ғоям аниқ режа бўлиб шаклланди. Ва у 1992 йили дастлаб "Бобур изидан" номли халқаро илмий экспедиция сифатида расман ташкил этилди. Лекин уни юргизиш учун маблағ ҳам керак эди. Шундан келиб чиқиб, "Бобур номли халқаро жамоат фонди"ни туздик. Бу, албатта, жуда кўп "югур-югур"лар, заҳматлар эвазига амалга ошди.

— Шундай қилиб, 1992 йилнинг 19 майида 12 кишидан иборат илмий экспедиция гуруҳи машинада йўлга чиқишга шай бўлдик. Маҳалла чойхонасида ош дамланди. Оқсоқоллардан дуои фотиҳалар олдик. Кейин бизни дўстларимиз, яқинларимиз Бобур сўнгги марта Андижондан чиқиб кетган Хакан дарвозаси олдида кузатиб қолдилар.

Манзил олис, ниятлар катта эди! Лекин баридан ҳам масъулият юки оғирроқ эди. Ахир, бизларни қандай улкан режалар билан сафарга жўнаётганимизни эл-юрт билди, бизни кузатиш маросими халққа овоза бўлди... Лекин кўпчиликнинг ичида, катта маблағ сарфлаб кетишяпти, қани, нима каромат кўрсатиб келишаркин, деганлар ҳам йўқ эмасди. Биз эса Оллоҳдан мадад тилаб, йўлимизда давом этавердик, тўхтамадик.

(Давоми бор)

Мирпўлат МИРЗО

Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Гимнастика

Мутахассисларнинг таъкидлашича, гимнастика одамни соғломлаштириш билан бир қаторда қаддиқомати учун фойдали экан. Жисмонан бақувват инсон эса руҳан тетик бўлади. Бундан 15-20 йил илгари юртимизда мазкур спорт тури билан шуғулланадиган қизлар саноқли эди. Истиқлол берган имконият туфайли бугун минглаб ёшлар гимнастика тўгаракларига қатнашмоқда. Олис туман ва қишлоқларда ҳам шароит шаҳарлардагидек. Айтиш мумкинки, спорт бугунги ёшларнинг соғлом турмуш тарзига айланган.

НАФОСАТ МАСКАНИ

Биргина Навоий вилоятида хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида фикр юритадиган бўлсак, бу ерда ҳам спорт билан шуғулланиш устуворлик қилмоқда. Хусусан, бадиий ва спорт гимнастикасини ривожлантириш бўйича вилоят ҳокимлигининг дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётир. Бунинг натижасида сўнгги икки йилда бу ерда гимнастика секциялари сони 111 тага етди. Уларга қатнаётган хотин-қизлар сони бадиий гимнастика бўйича 4300 нафарга, спорт гимнастикаси бўйича 727 нафарга ўсди.

Вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам ёш гимнастикачи ўғил-қизлар сони тобора ортиб бораётганини таъкидлаш керак. Яна бир диққатга молик жиҳат: спортчиларимиз ҳар йили вилоят, республика ва халқаро мусобақаларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Ўтган йили Навоийда «Умид ниҳоллари» республика мусобақасининг ўтказилиши муносабати билан шаҳримиздаги «Умид» қўрғонида «Ёшлик» спорт мажмуаси барпо этилиши ёшларимизга янада яхши имкониятлар эшигини очди. Мажмуадаги гимнастика залларининг Германиядан келтирилган анжомлар билан жиҳозланиши эса ёш гимнастикачилар учун мунтазам машғулотлар олиб боришда жуда қўл келаяпти.

— Бугун вилоятимизда спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланувчилар сони кун сайин ошиб бормоқда, мураббийлар эса 120 нафардан зиёд. Ёшларга гимнастика сирларини ўргатувчи тренерларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун федерациямиз жорий йилнинг апрель ойида Навоий давлат педагогика институти билан ҳамкорликда ўқув курслари ташкил қилди, — дейди вилоят гимнастика федерациясининг ижрочи директори Шаҳло Нарзиева. — Унда вилоятнинг барча ҳудудларидан гимнастика мураббийлари келиб, ўз билим ва касбий кўникмаларини ошириш имкониятига эга бўлишди. Ўйлайманки, бу каби саъй-ҳаракатларимиз келгусида вилоятимиз обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, гимнастиканинг оммалашувида вилоят гимнастика федерацияси томонидан ўтказилган «Гимнастрада-2012» вилоят очиқ биринчилиги, юртимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан ташкил қилинган спорт мусобақалари ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Уларда вилоятнинг барча туман, шаҳарларидан хотин-қизлар ва ёшлар қатнашиб, ўз иқтидорларини намойиш этишди. Вилоятда спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказилиши кўплаб иқтидор эгаларининг республика ва халқаро спорт тадбирларида муваффақиятли қатнашишига омил бўлмоқда. Масалан, Тошкентда ташкил этилган VI республика очиқ чемпионатида Навоийдан спортнинг гимнастика турига ихтисослаштирилган вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Карманадаги 6-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қизлари, зарафшонлик моҳир гимнастикачилар ҳамда ҳаваскор спортчилар муваффақиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олишди. Шунингдек, жорий йилнинг 31 майидан 2 июнигача Украинанинг Львов шаҳрида бўлган «NIKA GUP-2013» II халқаро турнирда вилоятдаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан Д.Султонова ва М.Шоназарова (бош мураббий Замира Ҳақбердиева)лар 2-, 3-ўринларга сазовор бўлиб, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.

Хуллас, бугун Навоий вилоятида спортнинг барча турлари қаторида гимнастика ҳам жадал ривожланмоқда. Аҳамиятлиси, спортчиларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, вилоятимиз, қолаверса, юртимиз довруғини оширишга интилишмоқда.

Раъно РАББИМОВА
Навоий шаҳри

Эълон

"Art-zamon" МЧЖ "Тоғдаги уй" кино реквизитини қайта қуриш ва таъмирлаш учун ички конкурс эълон қилади. Ички конкурс 2013 йил 9 август куни бўлиб ўтади.
Манзил: *Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 15-уй,*
Мурожаат учун телефон: 241-04-90

Ёз — ўтмоқда соз





Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Сойлиқ қишлоғида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Оқтош" болалар соғломлаштириш оромгоҳи яқинда замонавий тарзда реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилди.

Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган суратлар

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; **Тел-факс** 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: **Тел:**233-36-02.

Вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Нукус — (+99891)-384-41-61,
Самарқанд — (8-366)-233-62-12,
Термиз — (+99894)-262-25-33

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.**

Навбатчи: Бобур МУҲАММАДИЕВ

Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 22 00

Адади: 4542 Буюртма — J-7644 12345